

# ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Т.Ж.ЖУМАЕВ

## ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
олий ўкув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан  
олий ўкув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари  
талабалари учун ўкув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.


**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY**

JUMAEV T.J.

## **STRATEGIC PLANNING OF NATURE UTILIZATION**

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

Жұмасұ Т.Ж. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш (Үқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004 –96 бет.

Давлат стандартлари, намунавий ўқув дастури талабларига асосланиб ёзилган ушбу ўқув қўлланмада табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш асослари баён қилинган. Бу жарабонда «Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш» фанининг предмети, усуллари ва вазифалари, назарий-усуло-гик асослари, стратегик режалаштириш принциплари ва йўналишларига тъериф берилган, Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазасини стратегик режалаштириш муаммолари ҳақида фикр юритилган, шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибалари ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Қўлланмада иқтисодиёт (экология) таълим йўналиши талабларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф.  
Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Абиркулов Қ.Н.;  
и.ф.д., проф. Хасанжонов Қ.Х.

Jumaev T.J. Strategic planning of nature utilization (Manual)  
– T.: TSEU, 2004 – 96 pages.

Written on the basis of state standards, and models of educational programs, this manual covers the basis of strategic planning of nature utilization, the subject, methods and objectives, theoretical and methodological basis of the course. Strategic planning of the nature utilization, principles and directions of strategic planning are introduced, problems of nature utilization, strategic planning of protection of the environment are given, as well as the practice of foreign countries and tasks of their utilization are explained.

The manual is designed for the students majoring in ‘economy’ (ecology).

**Responsible editor:** doctor of economic science,  
prof. Holmuminov Sh. R.

**References:** doctor of economic science,  
prof. Abirkulov K.H.;  
doctor of economic science,  
prof. Hasanjonov K.H.

## КИРИЛЛ

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида тан олинган ва амалга оширилаётган барқарор ривожланиш концепцияси табиат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларниң тенг хуқуқлилиги га асосланади. Табиатдан рационал фойдаланиш, уни асраш, сақлаш, яхшилаш, муҳофазалаш барқарор ривожланишининг асоси ҳисобланади. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда табиатдан фойдаланиш хусусиятлари табиатининг ландшафт-зонал тузилмасига мос келиши барқарор ривожланишининг энг олий ва оптималь шаклидир. Йўамият томонидан йўналтириладиган ва тартибга солишадиган бундай бирлик режалаштириш асосида амалга оширилиши лозим. Иқтисодиёт ва экологиянинг афзалликларини ўзаро мақбул йўналишларда бирлаштириш ва ундан үнумлли фойдаланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кўплаб муаммолари счимини топишга имкон беради. Шу муносабат билан табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишин стратегик режалаштириш барқарор ривожланишин шакллантиришининг энг муҳим воситаси, бошқарув тизимишининг фоят зарур бўғинидир. «Табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштириши» жамият ҳаётини ландшафт-экологик принциплар асосида тақиъи этишининг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқадиган фандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг куїндаги фикри табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштиришга бевосита таалутклизидир: «Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришининг табиий равища қенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида иштесъмол қўлган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор».

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аниқ-равшан экологик тадбирлар амалга оширилди ва бу тизим мамлакат ҳалқ хўжалиги маъжмуунин ислоҳ қилишининг ажralmas таркибий қисмига айланди. Республика фуқароларининг яшави ва фаoliyati учун соғлом шарт-шароитни вужудга келтириш, табиатдан фойдаланиши самарадорлигини ошириши ва табиат муҳофазаси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу нуқтаи назардан атроф-муҳитни муҳофаза қилиши бўйича миллий ҳаракатлар режасининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ушбу соҳада муҳим қадам бўлди.

Ўқув қўлланманинг асосий мақсади – мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан рационал фойдаланиш, уни сақлаш, яхшилаш, муҳофазалашни стратегик

режалаштириш асосида тартибга солишнинг назарий асослари-ни таърифлаш ва амалий ёндашгувларни асослаб беришдан ибо-рат. Қўлланма барқарор ривожланишни таъминлашга қаратил-ган табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаши стратегик режалаштиришининг илмий асосларини яратиш ва уни амалга ошириш, жамият-табиат тизими ўзаро муносабатларининг но-осфера таълимотига асосланган янги йўналишини қарор топти-ришга йўналтирилган.

Муаллиф икътисод фанлари докторлари, профессорлар Қ.Н. Абиркулов, Ш.Р. Холмўминовга, Қ.Х. Ҳасанжоновга ушбу қўл-ланма бўйича танқидий муроҳазалари, қимматли маслаҳатлари учун самимий миннатдорчилик билдиради.

## I боб

### «ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

#### 1.1. «Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш» фанининг мазмуни, предмети, объекти

Табиий ресурслардан мақсаддага мувофиқ фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақалари барқарор ривожланишининг асосий шартидир. Бу муаммолар счимини топишда режалаштириш ва башоратлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, улар давлат бошқаруви тизимининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг объектив зарурати кўйидагилар билан белгиланади:

- табиий ресурсларнинг ижтимоий характери ва умумхалқ мулки эканлиги;
- табиий ресурслардан фойдаланишнинг мураккаблиги, уларни асраш ва муҳофазалашнинг объектив зарурлиги;
- бозор иқтисодиёти табиатнинг ўз-ўзини тиклаши ва асрарини таъминлашга қодир эмаслиги;
- бозор ва табиат, иқтисодиётни бошқариш бир-бирини тўлдириши зарурлиги;
- давлат фаолияти бозор муносабатлари субъекти сифатида табиатга кўрсатадиган таъсирининг ўзига хос хусусиятлари;
- режалаштириш бошқарувнинг асосий функцияси эканлиги.

Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш, уни асраш ва муҳофаза қилишни режалаштириш давлат бошқаруви ва тартибга солиш фаолиятининг энг муҳим воситаси ва меҳанизми ҳисобланади. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш эса табиат ва жамият ўзаро муносабатларини оптималлаштириш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиши ва уларни тақрор ишлаб чиқаришнинг асосий шартидир. Бунда табиий ресурслар давлат томонидан тартибга солиш ва режалаштириш объекти бўлиши керак. Уни турли ваколатли давлат органлари ва уларнинг худудий органлари амалга оширади. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш давлат, бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг мамлакат ва унинг минтақалари бўйича табиий шароит ва ресурслардан фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш борасидаги мақсаддага мувофиқ фаолиятидир. Бозор иқтисодиёти шароитида

хұжалик юритувчи бирорта субъект, тадбиркор, умуман, фуқаролар ва давлат табиатдан фойдаланиш бүйінча амалға оширатылған фаолиятиниң оқыбати ва түғри йұналиштің олдиңдан тузилған ресжаларсиз ва башораттарсиз белгілай олмайды. Шу сабабдан «Табиатдан фойдаланишин стратегик ресжалаштириш» фанн асосларинің чукур ўрганиш мұхым штмий-амалий ақамияттаға эга. Ушбу фанни чукур ўрганиш амалға оширилаётган тадбирларнинг табиат мухофазасы, экологик спесат талабларына мөс келділгандың йұналишларға мұвофиқлаштиришга, корхоналар экологик фаолиятини оптималлаштиришга хизмат килади.

Ресжалаштириш директив (күрсатма) ва индикатив (күрсатувчи, йұналтирувчи) турларға ажратылади. Ресжалаштириштің директивтілігі ресека хужжатлари барча ижрочилар учун мажбурыйлігі билан белгіланади. У ресека интизомига қатын амал қилиш ва топшириқтарни бақармаганлық учун корхоналар, хұжалик органдары, мансабдор шахсларнинг жавобгарлігінің тақозо этади. Директив ресжалаштириш табиатдан фойдаланишта уны мухофаза қилинші ягона марказдан амалға оширади. Бундағы ресжалаштириш тоталитар социалистик түзумга хос еди. Бозор икәнисодістыға ўтиш мұносабаты билан индикатив ресжалаштириш ривожланған болылади.

Индикатив ресжалаштириш давлат ва нодавлат секторларыда табиатдан фойдаланиш жараёнларини онғыл, мақсадда мұвофиқ амалға ошириш усулидей. Бунда индикаторлар сиғатта табиатдан фойдаланиш, уны асраш ва мухофаза қилинштің ўзгариши (динамикасы), тузилиши, самарадорлігінің иғодаловчы күрсаткічлардан фойдаланылады. Үзаро мұвофиқлаштирилған ва мұвозанатланған (баланслаштирилған) күрсаткічлар тизими давлат таъсирі тадбирлары билан түлдіріледі (соликілар, лицензия, квота, божхона түловлары, давлат буюортмалары, бюджетмаблагдары ва болшалар).

Табиатдан фойдаланишин стратегик ресжалаштириш қүйидаги мақсадларда амалға оширилади:

- ҳозыргы ва келажак авлоддар учун барқарор ривожланышиннинг тенг имкониятларини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш күчларининг тузилиши ва жойлашиши табиат ресурслары ҳолаты билан мұвофиқ келишини ўз вактіда таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштириштің әнг самаралы йұналишларини белгілаш;
- табиий ресурслардан рацонал фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқариш бүйінча тадбирлар тузилмасини, ҳажмии ва жойлашишини асослаш;

- ресурслардан фойдаланиш, уларни асраш, яхшилаш, муҳофаза қилиндида илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишиларини аниқлаш;
- хомашё ва чиқиндилардан мажмуали фойдаланиш тадбирларини асослаш;
- аҳолининг яшаши, фаолияти, дам олиши учун нормал шароитни таъминлаш, худудларнинг рационал экологик инфратузилмасини ташкил этиш.

«Табиатдан фойдаланишин стратегик режалаштириш» фани бир томондан, «Стратегик режалаштириш», бошқа томондан, «Экология иктисодиёти» фанлари таркибига кирди, уларнинг назарияси ва амалиётига асосланниш шаклланади ва ривожланади. «Табиатдан фойдаланишин стратегик режалаштириш» фани табиатдан фойдаланиш, уни асраш ва муҳофаза қилинни маълум муддатларда ташкил этиши истиқболларини ишлаб чиқиши, уларни амалга ошириш усуллари ва йўналишларини таъминлашин таҳтил этиши ва бу соҳаларда илмий асосланган тавсияларини ишлаб чиқиши билан шугулланади.

Ушбу фан шаклланишини ва ривожланишиниң шартлари хўжатик фаолияти билан узвин боғлиқ бўлиб, улар атроф табии мухитга таъсир кўрсатувчи, уни ўзгартирувчи асосий омилга айлангандир. Бозор иктисодиёти шароитида экологик йўналтирилган худудий режалаштиришга эҳтиёж кучаймоқда.

«Табиатдан фойдаланишин стратегик режалаштириш» фанининг предмети табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсир жараёнинда юзага келадиган экологик-иктиносабатларни тартибга солишни режалаштириш усуллари ҳисобланади. Шунга мувофиқ ушбу фанининг тадқиқот объекти бўлиб турли минёс ва даражадаги экологик-иктиносабатлар (мамлакат, минтақа, корхоналар, табиий-экологик мажмуулар ва бошқалар) хизмат қиласди. Кенг маъниода «Табиатдан фойдаланишин стратегик режалаштириш» фани миллий иктиносабатни экологик барқарор ривожлантаришини амалга оширишининг режаларини ишлаб чиқадиган фандир.

«Табиатдан фойдаланишин стратегик режалаштириш» фани асосий эътиборни табиат компонентлари (ҳаво ва икким, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот олами)ни асраш ва ландшафт функциялари, хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш, асраш, муҳофаза қигиши, табиатдан экологик барқарор фойдаланиш, уларнинг нормал функциялашуви учун шарт-шароитлар яратиб бериш каби мухим муаммоларга қаратади. Бууда қўйидаги асосий саволларга жавоб олиш ушбу фан учун биринчи даражали аҳамиятта эга:

1. Нималар құмматли ва мұхофазага мұхтож өзлаштиришга, фойдаланишга яроқлы?
2. Мавжуд ва назарда тутиласттан таъсир нималардан иборат?
3. Фойдаланувчилар режалаштирасттан тадбирлар амалға оширилиши қандай оқибатларға олиб келади?
4. Ривожланиш ва өзлаштириш, фойдаланиш мақсадлари қандай бўлиши керак?
5. Қандай тадбирлар зарур?

#### **1.2. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фанининг назарий асослари, тадқиқот усуллари, бошқа фанлар билан алоқалари**

«Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фани «Экология иқтисодиёти» ва «Стратегик режалаштириш» фанлари туташган чигараларда шаклланиб ва ривожланиб бораёттан иқтисодиёт фанининг янги йўналишидир. Унинг концепциялари эндилиқда асосланаётir. Шу муносабат билан унинг ўзаро боғлиқ ва айни пайтда катта фарқ қыладиган куйидаги таркийи қисмларга бўлинини билиш мұхим аҳамиятга эга:

1) Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш мамлакат иқтисодиёти бошқарув тизимининг фаолият тармоғи. Бунда ваколатли давлат бошқарув органдарда (вазирликлар, корхоналар, туманлар, вилоятлар, муассасалар ва бошқалар) маҳсус тайёргарлик ва билимга эга бўлган профессионал режачи-иқтисодчи мутахассислар ишлайдиган бўлимлар тизимида амалга оширадиган фаолият мавжудлиги назарда тутилади.

2) «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» маҳсус фан сифатида. Экологик-иқтисодий ёндашувларга асосланиб ривожланаётган ушбу фан профессионал олимлар томонидан ишлаб чиқиладиган экологик стратегик режалаштириш бўйича илмий билимлар тизимидан иборат бўлиб, у умумий, хусусий ҳолатларни тадқиқ этади.

3) «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» ўқув фани сифатида. Бунда ушбу фан ўрта маҳсус ва олий таълим ўқув юргларида маҳсус дастур асосида турли мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талабаларга мутахассис ўқитувчилар томонидан ўргатилади.

Режалиликнинг моҳияти шу билан белгиланади, унда одамлар табиатдан фойдаланиш бўйича ўз ҳаракати мақсадларини онгли белгилайдилар ва уни мавжуд имкониятлар ва экологик талаблар билан ўтгайдилар ва таққослайдилар. Режалилик ҳар бир меҳнат тадбирига хосdir. Бунда режка категория

сифатида бир неча хил мазмунга эга: мүлжал (нийт), лойиха, иш тартиби, дастурларни бажариш, топшириçлар тизими. Улар барча ҳолаттарда, одатда, қабул қилинган хўжалик ва ресурсларга эҳтиёж ва амалга ошириладиган тадбирларни, уларнинг ижрочилари, муддатлари ва тадбирларни бажармаслик учун жавобгарликни ўзида акс эттиради. Режалар моҳиятига кўра, расмийлаштирилган бошикарув қарори бўлиб, ўзида маълум мақсадни, аниқ воқсаларни, жараёнларни, ҳаракатларни олдиндан кўришни, кўзланган мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини қамраб олади.

Режа ривожланишнинг энг оптимал вариантини акс эттиради, олдиндан аниқ бўлган натижага эришишга йўналтиради, у ҳаракат учун раҳбарий қўлланма ва бажарилиши мажбурийдир. Лекин у ҳар қандай баҳода эмас, балки зарур ресурслар мавжуд бўлганда бажарилиши, амалга оширилиши мумкин.

Табиатдан фойдаланиш режалари стратегик, истиқболли, жорий, оператив хилларга ажратилади. Стратегик режалаштиришнинг бош вазифаси белгиланган тадбирларнинг келажакда юқори самарадорлигини, рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат. Стратегик режа истиқболни олдиндан кўришга, мақсад ва имкониятлар бир-бирига мос келишини кўллаб-куватлашга, ташки муҳитга мослашувга, ресурсларни оптимал таҳсимилашга, экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилиши керак. Истиқболли режалар янги технологияларни қўллаш, ресурслардан рационал фойдаланишини ҳисобга олиб тузилган имкониятларнинг техник-иктисодий ҳисоблари, ривожланишнинг йўналишларини ўз ичига олади. Жорий режалар бир йилгача муддатда натижалари кутиластган конкрет фаолиятни белгилаш ва асослашни кўзда тулади.

Режалаштириш жараёни ягона занжирини ташкил этувчи қатор бўғинлардан таркиб топади. Мўлжал (нийт)дан тортиб барча бўғинларнинг мавжудлиги режаларнинг реаллик даражасини оширади, тасодиий (кутилмаган) вазиятларни энг кам даражага тушириш имконини беради.

Режа экологик хавфенз ва барқарор ривожланиш концепциялари, мафкураси ва стратегиясига асосланади. Режа маълум шарт-шароитларни ўзида акс эттиради. Режалаштириш функционал характерга эга. Режа тузилмасидан олдин мақсад, ажратиладиган ресурслар асосланади, дастлабки (асос қилиб олинган) нормативлар, аниқ меъёр (норма)лар ишлаб чиқилади. Режа тавсия ёки билиш аҳамиятига эга бўлмайди, балки унинг бажарилиши мажбурий, директив ҳарактерга эга бўлади. Режалаштирилган тадбирлар бажарилиши шарт.

Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириши давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар фундаменти ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириши усулологиясининг асосларини қўйнодагилар ташкил этади: Усулология объектив воқеаликни билдиш ва ўзгартириш мақсадларида фойдаланиладиган тадқиқот усулларинишиг мажмусидир. У умумфалсафий усулларни ва конкрет фан усулларини қамраб олади. Билишининг фалсафий усули – диалектикага асосланади. Диалектиканиг асосини табиат ва жамият ривожланишининг энг умумий қонуни, шунингдек, илмий мушоҳада принциплари (индукция, анализ (таҳлил), синтез, аналогия, таққослаш, эксперемент) ташкил этади.

Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириши иктиносидий назария аниқлаб ва ифодалаб берадиган ва объектив ҳаракатда бўладиган қонуилар ва қонуниятларни билдишга ва улардан фойдаланишга асосланади. Стратегик режалаштиришининг конкрет усуллари эса турли мазмун ва турдаги режаларни ишлаб чиқиша кўлланиладиган усуллардан ташкил топади.

Стратегик режалаштириши усулларининг асосини анализик (таҳлилий) тадқиқотлар, маълумотлар ва ахборотлар базасини тайёрлаш, ахборотларни ўрганиш ва уларни яхлит тизимга бирлаштириш ташкил этади. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириши муаммоларини ҳал этишида тизимли таҳлил ва синтез, экстраполяция, эксперт баҳолаш, норматив, моделлаштириш, баланс, «харажат ишлаб чиқариши» ва бошқа усуллар кенг кўлланилади.

«Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фани ўз муаммолари счимини топишда қўплаб ижтимоий, иқтисодий, табиий, техника фанлари ютуқлари ва имкониятларидан кенг фойдаланади. Айниқса унинг иқтисодиёт фанлари – «Стратегик режалаштириши», «Статистика», «Иқтисодий назария», «Минтақавий иқтисодиёт», «Иқтисодий кибернетика», «Тармоқ иқтисодиёти» фанлари ва бошқалар билан алоқалари мустаҳкам асосга эга. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фани табиий фанлардан «Экология», «Биология», «Табиий география», «Картография», «Геология», қишлоқ хўжалиги ва бошқалар, шунингдек таҳника фанлари билан узвий боғлиқдир.

### **1.3. «Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш» фанининг асосий вазифалари**

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришда маҳсус комплекс тадқиқотлар ўтказиш асосида тадқиқот объектларининг асосий хусусиятлари аниқланади. Бунда қуидагиларни аниқлашга асосий эътибор берилади:

- алоҳида экологик, эстетик ва рекреация аҳамиятига эга бўлган ареаллар;
- мавжуд ва режалаштирилаётган фойдаланиш асосида бу ареалларга хавф-хатарлар борлиги;
- бу хавф-хатарларни бартараф этиш ёки камайтириш имкониятлари;
- аҳоли яшайдиган ёки яшамайдиган худудларни ривожлантириш мақсадлари;
- бу мақсадларни амалга ошириш тадбирлари ва бошқалар.

«Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш» фанининг асосий вазифаси бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини мажмууавий тадқиқ этишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси шароитида табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг қуидаги конкрет вазифалари туради:

- табиат компонентларининг антропоген таъсир оғирлигини кўтариши хусусиятларини аниқлаш ва таърифлаш; табиат компонентларининг ўзаро алоқаларини, шунингдек, ландшафтнинг хилма-хиллиги, ўзига хослиги ва гўзаллигини, яъни унинг қиёфаси ва эстетик қийматини тадқиқ этиш;
- бу тизимга мавжуд ва режалаштирилаётган табиатдан фойдаланиш тадбирлари шаклларининг таъсирини аниқлаш, баъбаравар ҳолда бу тизимнинг одамлар фаолиятига таъсирини аниқлаш; бунда экологик режалаштириш табиат бойликларини асрар қолишга йўналтирилиши лозим;
- худудлар ривожланиши концепциясини шакллантиришда табиат ва ландшафт сифатининг конкрет мезонларини аниқлаш; бунда узоқ муддатли даврда табиатни асраш ва одамлар яшаш мухитининг юқори сифатини таъминлашга алоҳида эътибор бериш;
- табиатдан фойдаланиш режалари атроф-муҳит сифати мезонларини ишлаб чиқиши, улар эса худудий ривожланиш, курилиш ва бошқа режалар учун ориентир бўлиши;
- табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш табиат муҳофазаси талаблари ва ландшафтни парвариш қилиш бўйича чораларни умумлаштириши ва синтез қилиши; бунда

ушбу талаблар билан режалаштирилаётган таклифлар ўртаси-  
даги балансни таъминлаш;

- режалаштиришда табиий ресурсларнинг тақрор ышлаб  
чиқариш (тиқлаш, фойдаланиш ва қайта ишлаш) механизмла-  
рини комплекс хисобга олиш;

- экологик бошқарув тизими ва хўжалик юритишда таби-  
ат муҳофазаси усусларини тақомиллаштириш.

## Қисқача хуросалар

«Табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштириш» фани табиатдан фойдаланиш, уни асраш ва муҳофаза қилишини маълум муддатларда ташкил этиш истиқболларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш усуслари ва йўналишларини таъминлашни таҳлил этиш ва бу соҳаларда илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш билан шугулланади.

Ушбу фаннинг предмети табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсир жараёнида юзага келадиган экологик-иктисодий муносабатларни тартибга солишини режалаштириш усуслари ҳисобланади, объекти эса турли миқёс ва даражадаги экологик-иктисодий тизимлардан иборат.

Табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштириш қўйидаги учта таркибий қисмларга бўлинади: 1) мамлакат иктисодисти бошқарув тизимининг фаолият тармоғи; 2) маҳсус фан йўналиши; 3) ўқув фани.

Режалар стратегик, истиқболли, жорий, оператив хилларга бўлинади ва улар бир-бирларидан қўйилган вазифалар билан фарқ қиласди.

Ушбу фан методологияси объектив иктисодий қонуниятлар ва улардан фойдаланишга асосланади.

Асосий тадқиқот усуслари қаторига тизимли таҳлил, синтез, экстраполяция, эксперт баҳолаш, норматив, моделлаштириш, баланс, «харажат-ишлаб чиқариш» ва бошқалар киради.

Асосий вазифаси – бозор иктисодисти шароитида режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ва бу йўналишда амалий тавсияларни ишлаб чиқишидир.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришнинг объектив заруратини тушунтиринг.
2. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришнинг директив ва индикатив йўналишлари бир-бираидан қандай фарқ қиласди?
3. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришнинг мақсадларини таърифланг.
4. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фани нимани ўрганади?
5. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фанининг предмети ва обьекти нима?
6. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фанининг назарий асосларини тушунтиринг.
7. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фанининг илмий тадқиқот усулларини таърифланг.
8. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фани бошқа қандай фанлар билан ўзаро алоқада ривожланмоқда?
9. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш» фани олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. -Т., 2002.
4. Абиркулов Қ.Н., Жумаев Т.Ж., Ражабов Н. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш. Намунавий дастур. Намунавий дастурлар тўплами. –Т.: ТДИУ., 2000.
5. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интерпракс, 1995.
6. Стратегическое планирование. Под ред. Э.А. Уткина. Учебник. -М., 1998.
7. Рыночные методы управления окружающей средой. Учебное пособие. -М., 2002.

## II боб

### ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛОЛОГИЯСИ

#### 2.1. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириши омиллари

Табиий ресурслар ҳолатини стратегик режалаштириши улардан фойдаланиш, асраш, яхшилаш, мухофаза қилиш ўртасидаги табиий хўжалик алоқаларини турли муддатларда режали тартибга солиш сифатида бслгилаш мумкин.


Стратегик режалаштиришда табиий ресурс ҳолатини уларнинг куйидаги уч гуруҳи бўйича тадқиқ этиши ва баҳолаш мумкин: 1) табиий мухит ресурслари; 2) биологияк ресурслар; 3) минерал хомашё ресурслари.


Бу гурухларнинг ҳар бирни турли иқтисодий роль ўйнайди, ўзига хос модда айланishi типи ва ҳолати мавжудлиги билан характеристерланади. Шуларга боғлиқ ҳолда уларни тартибга солиш бўйича инсон фаолияти ҳам ўзига хос турларга бўлинади ва турли натижалар беради. Буни 1-чизмада кўриш мумкин.

Чизмада берилган барча кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ бўлиб, уни табиий ресурслар ҳолатини стратегик режалаштириш ва уларни тартибга солиш, тадбирларнинг умумий самарасини аниqlашда ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бунда олинадиган самаранинг ўёки бошқа тури устун бўлишига кўра, табиат ҳолатини тартибга солиш борасидаги асосий фаолият тури табиатни мухофаза қилиш (ресурсларни асраш самараси билан), табиатни яхшилаш (яхшилаш самараси билан), хомашё ва ишлаб чиқариш, истеъмол чиқунчиларидан маъжмуали фойдаланиш бўйича тадбирлар орқали бслгиланади.

Шуни ҳам қайд этиши керакки, ушбу чизма табиий ресурс ҳолатини тартибга солиш бўйича фаолиятининг кўрсатилган асосий турларидан бошқа турларини ҳам ҳисобга олишини истисно этмайди. Масалан, табиий мухит ресурсларини асраш асосан улардан фойдаланишини тартибга солиш ёки табиатнинг чиқунчилар ва саноат чиқитлари билан ифлосланишини бартараф этиши йўли билан ҳам амалга оширилади.

Биологияк ресурсларни яхшилаш улардан хомашё ва ихота мақсадларида, табиий оғратилар ва хавфли ифлосланишиндан мухофаза қилишида фойдаланишини ҳам широр этмайди. Бу йўналишлар биологияк ресурслардан фойдаланишни самарасини оширишга ҳизмат қиласди ва атроф-мухитни асраш имконини беради. Минерал хомашё ресурсларидан фойдаланишини яхшилаш (ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқунчиларини ҳам кўшил) мухитнинг ифлосланишини камайтиришга, демак, табиий мухит ва биологияк ресурсларни асрашга ҳам олиб келади. Минерал хомашё ресурсларидан норационал фойдаланиш эса атроф-мухитнинг ифлосланишини ва биологияк ресурсларнинг ёмонлашувига сабаб бўладиди, булар ҳам стратегик режалаштиришида ҳисобга олинадиган керак.





1-ЧИКИЯН. Тибетий ресурстар хөгжлийн түргийн олонийн салбар

Шундай қилиб, табиий ресурслардан фойдаланишни стратегик режалаштирищда уларға ижобий ва салбий таъсир күрсатадиган омилларни ҳар томонлама ҳисобға олиш керак. Бунда табиий ресурслардан фойдаланишнинг самараси билан бир қаторда атроф-мухиттга стқазиладиган заарни ҳам ҳисобға олиш лозим.

## 2.2. Стратегик режалаштиришда табиий ресурслар ҳолатини ҳисобға олиш

Табиий ресурсларнинг ҳолати улардан фойдаланиш ҳажми ва усууларига, муҳофаза қилиш ва яхшилашга боғлиқ. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажми эса хомашё ва чиқиндишлардан фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Ҳозирги пайтда табиий ресурслар ҳолатини белгилаб берадиган бош омил улардан фойдаланиш бўлиб, уларни хомашёдан фойдаланиш, биологик ресурсларни яхшилаш ва атроф табиий муҳитни асрараш ва муҳофазалаш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Ресурслардан фойдаланиш ва хомашёга эҳтиёжнинг аҳволи ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Хомашё танқислиги ва стициомвичлигигида ресурслардан фойдаланиш ҳажми хомашёга эҳтиёжга нисбатан унинг аҳволига, ҳолатига кўпроқ боғлиқ. Бунда ресурслардан фойдаланиш ва унинг аҳволига мамлакатда иқтисодий фойдаланиши мумкин бўлган мавжуд ресурс заҳирлари ва уларнинг хомашёга эҳтиёжларни таъминлаш даражаси тобора кўпроқ таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ресурсларнинг аҳволи ва ҳолати улардан фойдаланиш йўналишларига ҳам боғлиқ. Айниқса, бундай ҳолат иқтисодиётнинг ресурслар ва муҳофазалашга ихтинослашганида яққол намоён бўлади. Шу муносабат билан ресурслар ҳолатини мажмуя ҳолда улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ва яхшилаш нуқтаи назардан ўтказиладиган тадбирлар билан боғлаб кўриб чиқиши лозим.

Буларнинг ҳаммаси стратегик режалаштиришни мажмуали амалга оширишда ҳар томонлама ҳисобға олиниши керак. Бу хусусиятлар барча турдаги табиий ресурслар ҳолатини тартибга солиш бўйича ўзаро мағбул қарорга келишга имкон беради ва режаларни ишлаб чиқиши ҳудудий ва тармоқлараро тизимлар доирасида амалга оширишни осонлаштиради. Бу йўналишда табиий муҳит ресурслари ва биологик ресурслар ҳолатини тартибга солиш муаммоларини режалаштириш, шунингдек, минерал хомашё ресурсларидан мажмууали фойдаланишни, ҳудудий индикатив режалаштиришни ҳал этиш мумкин. Тар-

моқлараро индикатив режалаштириш доирасида фақат хома-шёдан мажмууали фойдаланиш муаммолари ҳал этилади.

Шундай қилиб, табиий ресурсларни стратегик режалаштириш халқ хўжалигини худудий индикатив режалаштириш билан узый боғлиқ бўлиб, унинг асосини ташкил этиши керак. Бу эса, ўз навбатида, табиий ресурслардан узоқ муддатли фойдаланишининг мақсадли худудий дастурлари ва чизмаларини ишлаб чиқиб, амалга оширишни тақозо этади. Улар минтақалар ишлаб чиқариш кучлари ривожланнишини стратегик режалаштиришнинг асоси бўлиши керак. Бу муаммолар счими Республика иқтисодиёт вазирлиги ваколатига киради. Минтақа ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларининг асосий бўғини биологик ресурслардан мажмууали фойдаланиш ва уларни яхшилаш, шунингдек, атроф табиий мухитни, биринчи навбатда ҳаво, сув, ср, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳисобланади. Бу ресурслар инсоннинг яшаши, ҳаёти, фаолияти учун ўта зарур бўлиб, улар «абадий» ресурслардир. Бошқа ресурс турларидан фойдаланиш ва улар асосида тармоқлараро мажмууларни ривожлантириш биринчи навбатда биосаноат мажмууини жадал ривожлантириш вазифаларига ва атроф-мухитни асраш талабларига бўйсундирилиши керак.

Табиий ресурслардан фойдаланишни стратегик режалаштиришни худудларнинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлаб амалга ошириш лозим. Инфратузилманинг ривожланиши билан тикланадиган табиий ресурсларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш жадал суръатларда яхшиланади. Шу сабабдан инфратузилманинг ривожланиши биологик ресурсларнинг шароитини яхшилаш имконини беради ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қитади. Бунда биринчи навбатда биосаноат мажмууини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилиши керак.

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш йўналишлари ва сифати, тузилмасига табиий ресурсларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ўрганилганлик даражаси ҳам сезиларли таъсири кўрсатади. Масалан, минерал хомашиёс ресурсларининг захиралари янги конларни топиш ва очиш ва ўрганиши натижаларига, шунингдек, тоғ жинслари таркибида зарур хомашиёс борлигининг минимал (энг оз) нормалари камайишига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Шунинг учун уларнинг ҳолати тўғрисида фақат узоқ муддатли башпорат орқали мулоҳаза юритиш мумкин. Биологик ресурсларнинг захиралари эса аниқ бўлиб, улар нисбатан доимий бўлади. Шунинг учун уларнинг ҳолатини узоқ муддатли стратегик режалаштиришга имкониятлар бор.

Табиий мұхит ресурслари сув ва ҳаво массаларининг аралашиб, құшилиб, қоришиб түришига боғлиқ ҳолда вакт мобайнида ва маконда сезиларлы даражада ўзгариб туради. Бу эса стратегик режалаштиришни мұраккаблаштиради ва уларнинг ҳолатини тартибға солиша локал (маҳаллий) ва глобал ёндашувларни бирға құшиб ҳисобға олишни тақозо этади. Бунда атроф-мұхит ифлосланишининг ўртача ва максимал күрсаткічларини ҳисобға олиш талаб қилинади.

### 2.3. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришнинг асосий мезонлари ва күрсаткічлари

Мамлакат табиий ресурсларининг ҳолати ҳам ҳозирги, ҳам келажак авлодларнинг моддий, экологик ва маънавий, эстетик әхтиёжларини узоқ вакт мобайнида (амалий жиҳатдан абадий ва чекланмаган даврларда) таъминлаши лозим. Шунинг учун табиат ҳолатини тартибға солиши ва стратегик режалаштиришнинг асосий мақсади табиий мұхит ҳолатини асрарни таъминлашыннан ёпік хұжалик модда алмашиши ёки чиқытсиз, кам чиқытли ишлаб чиқаришга ўтишини ташкил этишга ва уни тұлық амалға оширишга әришищдан иборат. Стратегик режалаштириш ва тартибға солишининг экологик-иқтисодий мезони (критериясы)- табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қылиш, яхшилашда яқын келажакда ва узоқ муддаттарда сарфланадиган меңнатни тәжашшдан иборат. Уннинг асосий күрсаткічи - ишлаб чиқаришнинг самарадорлығига сезиларлы таъсир күрсатадиган атроф табиий мұхитта етказилған зарарни қоплашға тұланадиган тұловлар ва жарималарни камайтириш ҳисобланади. Бу вазифаларни амалға оширишда ти-зимли ёндашувга асосланиш ва ресурслар динамикасини (ўзгаришини) ҳар томонлама ҳисобға олиш зарур. Бошқача айтганда, табиат ҳолатини қуйи даражадаги ти-зимларда ва яқын келажакда ва даврда тартибға солиши ва стратегик режалаштиришнинг принциплари, мақсадлари, күрсаткічларини құллашауда уларни олий даражадаги ва узоқ муддатли режаларда ҳам амалға оширишни таъминлаш керак. Худудий ва тармоқтараро мажмуалар учун табиий ресурслар ҳолатининг яқын давр учун белгиланған күрсаткічлари мамлакатнинг узоқ муддатли истиқболда белгиланған ахволи ва ҳолати күрсаткічларига мөс келиши керак. Бунинг учун қуйидагилар зарур:

Бириңчидан, ресурсларнинг ҳолати, ахволи ва улардан фойдаланиш худудий ва миңтақавий мажмуалар ва умуман, мамлакат халқ құжалиғи мажмуди учун узоқ муддатларда улар-

ни ривожлантиришнинг энг юқори самара берадиган йўналишини амалга оширишга имкон бериши керак.

Иккинчидан, табиий ресурслар ҳолати ва улардан фойдаланишини стратегик режалаштиришни худудий ресурслардан энг рационал фойдаланишини ҳисобга олиб, тармоқлараро мажмуулар доирасида амалга ошириш лозим.

Учинчидан, стратегик ресурсларни бажараётган ва инсонлар учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ресурслардан фойдаланишининг устуворлигини таъминлашга эришиш лозим. Бунда биринчи навбатда биологик ресурсларга афзаллик бериш керак, чунки улардан фойдаланиш муддатлари чекланмаган ва улар озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак, пойабзал, мебель ва бошقا маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган органик хомашёга эҳтиёжларни таъминлайди.

Табиий ресурсларнинг ҳолати ва ахволини стратегик режалаштириш уларни баҳолаш кўрсаткичлари орқали амалга оширилади. Бунда асосий кўрсаткичлар бўлиб қўйидагилар хизмат қиласиди:

- минерал хомашё ресурслари бўйича кўрсаткичлар: хомашёнинг иқтисодий жиҳатидан фойдаланиш мумкин бўлган, разведка қилинган, аниқланган ва башорат (прогноз) қилинган захиралари ва улардан фойдаланиш муддатлари;
- биологик ресурслари учун кўрсаткичлар: ҳажми, таркиби, сифати ҳолати ва маҳсулдорлиги;
- табиий муҳит ресурслари кўрсаткичлари: табиий муҳитнинг ифлосланиш даражаси. Бу кўрсаткич муҳитда ифлослантирувчи моддалар ҳақиқий микдорининг (салмоғи) уларни йўл қўйиладиган мейёри концентрациясига (тўпланиши) нисбати орқали аниқланади.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари режалаштиришда ресурсларнинг жойлашиши, улардан фойдаланиш ва ресурслар тузилмаси, таркиби кўрсаткичларидан ҳам кенг фойдаланилади.

#### 2.4. Стратегик режалаштиришда табиий ресурсларни таҳлил қилиш йўналишлари

Стратегик режалаштириш табиий ресурслар ҳолати ва ахволининг динамикаси (ўзгариши) таҳлилига асосланади ва шунга мувофиқ табиий хўжалик алоқаларини тартибга солишнинг энг самарали йўналишлари танлаб олинади. Одатда, таҳлил режалаштириш муддатларига тенг давр (йиллар) учун амалга оширилади. Бунинг учун дастлабки (бошлангич) маълумот-

лар бўлиб табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш рўйхати (ресстри) маълумотлари, шунингдек, худудий, тармоқлараро ва умуман, мамлакат ҳалқ ҳўжалиги ривожланиши кўрсаткичлари хизмат қиласи. Шунингдек, срости бойликлари тўғрисида қонун ҳужжатлари талаблари, қоидалари ҳисобга олинади.

Таҳлил жараёнида табиий ресурслар ҳолати ва аҳволи янги конларнинг очилиши ва уларни эксплуатация қилишга тушириш, хомашёдан фойдаланиш ҳажми, даражаси ва усусларида юз берган ўзгаришлар, шунингдек, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни мухофаза қилиш ва яхшилаш бўйича ҳўжалик юритиш даражасининг таъсири мажмуали ўрганилади. Табиий ресурслар холатининг диспропорциялари (номувофиқлиги), улардан норационал фойдаланиш оқибатида юзага келган йўқотиши ва истрофарчиликларнинг сабаблари аниқланади. Бунда диспропорцияларга қуидагилар сабаб бўлиши мумкин: ресурслар ҳолати билан хомашёга талаб ўргасидаги номувофиқлик; хомашёдан ва ишлаб чиқариш чиқинчиларидан фойдаланишининг паст даражаси; хомашё захиралари билан кам таъминланиш шароитида истесьмолнинг катта ҳажмга эга бўлиши ва бошқалар.

Таҳлилда табиатдан фойдаланишининг мавжуд илмий-техник даражаси замонавий илмий-техника ва инновациялар даражаси билан таққосланади ва улар баҳоланади. Бунда асосий эътибор камёб хомашёни камёб бўлмаган хомашё билан алмаشتаришга қаратилади, шунингдек, фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ресурсларни жойлаштириш масалалари аниқланади.

Ресурсларни баҳолаш ресурсларнинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотларни ресурслардан фойдаланиш ҳажми ва улардан ишлаб чиқарилган охирги истесьмол маҳсулоти ҳажми билан таққослаш асосида амалга оширилади. Бу маълумотлар таҳлили, айниқса, ресурсларнинг камайиши ва тугаши, узоқ муддатли истиқболда ресурслар жойлашишининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган таҳлил, ишлаб чиқаришининг тузилмаси ва жойлашишини ўзгартириш учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## 2.5. Табиатдан фойдаланишининг стратегик режалари классификацияси

Табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштириш директив, индикатив, шартнома, тадбиркорлик турларига бўлинади.

Директив режалаштириш адресли топшириқларни ўрнатиш орқали ва уларни бажариши учун ажратилган ресурстарни

топшириқни бажарувчилар ўртасида тақсимлаш орында амалга оширилади. Директив режалаشتаришнинг асосий ричаги бюджет молиялаштирилиши, капитал қўйилмалари лимити, моддий-техника ресурслари фонди, давлат буортмалари ҳисобланади. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги шароитида директив режалаشتариш элементлари давлат сектори ва бюджет молиялаштирилиши доирасида сақланиб қолади. Бундай режаларга турли дастурлар мисол бўлади.

Индикатив режалаشتариш бозорнинг мустақил субъектларини давлат билан паритет (тeng) асосида табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишга жалб қилиш усулидир. У иқтисодий ричаглардан фойдаланишга асосланади ва давлат ва хусусий сектор манфаатларини ўйғулаштиришга хизмат қиласи.

Шартнома режалаشتарилиши бозор субъектларининг табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси бўйича савдо-сотиқ муносабатларини тартибга солади. У корхоналар, бирлашмалар, банклар, ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида ихтиёрий ва ўзаро фойдали асосларда курилади. Шартнома муносабатлари барқарор иқтисодий-экологик-ишлаб чиқариш муносабатларини, ўзаро мажбуриятларни, уларни бажариш шароитларини шакллантиради ва бозор шароитларида режалаشتаришни кўллаб-куватловчи кафолатланган ҳўжалик механизmlарини барпо этади. Шартнома режалари келишимлар, контрактлар, қатнашиш тизимлари ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Тадбиркорлик режалаشتарилиши корхоналар, фирмалар, барча ишлаб чиқариш – ҳўжалик ва молиявий фаолият субъектларининг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишининг самарали йўналишларини асослаш ва тиклашга йўналтирилган функцияси ҳисобланади. Унинг асосини турли муддатли оператив, жорий ва стратегик вазифаларни бажариши керак бўлган ички фирма режалари ташкил этади.

Табиий ресурслар ҳолати ва аҳволи маълум муддатларга режалаштирилади. Уларни муддатларга боғлиқ ҳолда муддатли стратегик башоратлаш (прогнозлаш) ва узоқ муддатли стратегик режалаشتаришга бўлиш мумкин. Улар ўз навбатида истиқбол ва жорий давр башоратлари ва режаларига ажратилади.

Режалаشتариш муддатлари табиий ресурсларни ҳисобга олиш муддатлари билан боғланиши керак. Бу эса режа топшириқларининг бажарилишини назорат қилишга имкон беради. Режалаشتариш усувлари ресурслар тури ва камёблиги ва режалаш муддатларига боғлиқ бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланишни стратегик режалаш-

тиришнинг барча йўналишлари табиий ресурслардан халқ хўжалигида фойдаланишининг мақсади, йўналишлари ва турлари бўйича классификациялашга асосланishi керак. Мақсадлар бўйича ресурсларни хомашё, муҳофаза ва бошқа йўналишларда фойдаланиш гуруҳларига бўлиш мумкин. Йўналишлари бўйича ресурслар озиқ-овқат, энергетика, технологик гуруҳларга бўлинади. Ресурс турлари бўйича улар тармоқлар белгиларига асосланиб, гуруҳланади. Бунда ресурслардан фойдаланиш бир-бирини инкор этувчи (ёқилғи учун характерли) ва кўп мақсадли (биологик ресурслар учун) бўлиши мумкин.

Табиий ресурсларнинг ҳар бир тури учун ўзининг классификасию бўлиши керак. Бундай классификация табиий ресурсларга эҳтиёжнинг барча турларини хисобга олишга, улардан фойдаланиш тузилмасини ўрганиш имконини беради, бир вақтнинг ўзида улардан мажмуали фойдаланишни ташкил этишга асос бўлиб хизмат қиласди.

## 2.6. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш маълум принципларга, яъни асос қилиб олинган қоида ва тартибга асосланади. Улар умумий ва хусусий принципларга бўлинади.

Умумий принциплар стратегик режалаштиришга, хусусий принциплар эса табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришга тааллуқlidir.

Стратегик режалаштиришнинг умумий принципларига қўйидагилар киради:

- режавий счимларнинг танланган мезонларга мос ҳолда оптималлиги;
- кўрсаткичларнинг ресурс, тармоқ, худудий, тармоқлараро миқёсларда балансланганлиги ва мутаносиблиги;
- устуворлик, стакчи бўғинларни белгилаш;
- узлуксизлик, яъни истиқбол ва жорий режаларнинг боғлиқлиги, изчиллик, шароитлар ўзгарганда кўрсаткичларга тузатиш киритиши;

• режанинг энг нокулай вазиятларда бажариладиган резерв (эҳтиёт) вариантини асослаш.

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг қўйидаги маҳсус принциплари бор:

- табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш;
- хомашё, чиқиндилар, иккиласми ресурслардан рацонал ва тўлиқ фойдаланиш;

- табиатдан фойдаланишнинг табиат муҳофазаси ва ижтимоий йўналишининг бошқа фойдаланиш йўналишиларидан устуворлигини таъминлаш;
- биологик ресурслардан фойдаланишнинг уларни яхшилашга олиб келишига эришиш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш усуллари ва технологияси атроф-муҳитга ёнг кам зарар стказишига эришиш.

## Қисқача хуласалар

Стратегик режалаштириш омилларни аниклаш ва уларни баҳолашдан бошланади. Омиллар қўйидаги уч гурӯхга бўлинади: 1) табиий мұхит ресурслари; 2)биологик ресурслар; 3) минерал хомашё ресурслари.

Табиий мұхит ресурслари, биологик ресурслар, минерал хомашё ресурсларининг ҳар бири ўзига хос модда айланиш типи, мавжуд ҳолати, иқтисодий аҳамияти ва бошқа ҳусусиятларга эга. Уларни ҳар томонлама ҳисобга олиш режаларни амалга оширишининг самараасини оширади.

Стратегик режалаштириш табиий ресурслар ҳолатини белгилаб берадиган асосий омил улардан фойдаланиш бўлиб, уларни хомашёдан фойдаланиши, биологик ресурсларни яхшилаш, атроф табиий мұхитни асраш ва муҳофазалаш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Стратегик режалаштиришнинг асосий мезонлари табиий ресурслардан фойдаланиши, уларни асраш ва муҳофаза қилиш, яхшилашда яқин истиқболда ва узоқ истиқболда сарфланадиган мөхнатни тежащдан иборат. Унинг асосий кўрсаткичи ишлаб чиқаришининг самарадорлигига таъсирир кўрсатадиган, атроф табиий мұхитга етказилган зарарни қоплашга тўланадиган тўловлар ва жарималарни камайтириш ҳисобланади.

Стратегик режалаштиришда табиий ресурсларни таҳлил қилишининг асосий йўналишларига қўйидагилар киради:

а) табиий ресурслар ҳолати ва аҳволининг ўзгариши таҳлили;

б) табиий хўжалик алоқалари таҳлили.

Стратегик режалаштириш қўйидаги классификация турларига бўлинади: директив, индикатив, шартнома, тадбиркорлик. Ресурслардан фойдаланишини стратегик режалаштиришда мақсад, ресурс турлари бўйича ҳам классификациялаш мумкин.

Стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари иккитаил бўлади: умумий принциплар ва ҳусусий принциплар. Умумий принциплар стратегик режалаштиришга, ҳусусий принциплар эса табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришга тааллуқлидир.

## **Назорат ва мұхомама үчүн саволлар**

1. Табиатни стратегик режалаштиришнинг қандай омиллари бор? Уларни таърифланг.
2. Табиий мұхит, биологияк, минерал хомаше ресурслари стратегик режалаштириштада қандай ҳисобға олинади?
3. Табиий ресурслар қолаты нима? У режалаштиришда қандай ахамиятта эга?
4. Стратегик режалаштириштада қандай мезонларга асосланилади?
5. Стратегик режалаштиришнинг асосий күрсакчилари ни түшунтириб беринг.
6. Стратегик режалаштириштада табиий ресурсларни таҳлил қылыш қандай ахамиятта эга?
7. Стратегик режалаштиришнинг классификацияси нима? Унинг хусусияттарини түшунтириң.
8. Табиий ресурслар классификацияси нима? Ундан қандай йўналишларда фойдаланилади?
9. Стратегик режалаштиришнинг үмумий ва хусусий принципларини түшунтириб беринг.

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфисиаттика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мұхитни мухофаза қилиш. Конунлар ва норматив хужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. -Т., 2002.
4. Реймерс Н.Ф. Экология (теория, законы, правила, принципы и гипотезы). -М.: Интерпракс, 1995.
5. Стратегическое планирование. Под ред. Э.А. Уткина. Учебник. -М., 1998.
6. Программа действий. Повестка дня на ХХI век и другие документы Конференции в Рио-де-Жанейро. Женева. Центр за наше общее будущее. 1993.

### III боб

## ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, МАЗМУНИ, ТУЗИЛИШИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 3.1. Стратегик режалаштиришнинг хусусиятлари, мазмуни ва тартиби

Стратегик режалаштириш табиий ресурсларнинг хилмачиллиги, турли сифаттага эгалигига, улардан кўп мақсадли фойдаланиш, табиий алоқаларнинг мураккаблиги ва уларни тартибга солишнинг қийинлиги, узоқ таъсир кўрсатадиган омиллар ва жараёнларни ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Бир томондан булар тадбирларни режалаштириш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш, иш натижаларини ҳисобга олишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан табиатда алоқалар нисбатан барқарор бўлиб, булар эса табиий ресурсларни ўрганиш ва тартибга солишни осонлаштиради, режалаштириш учун нормативларни ишлаб чиқишини таъминлайди. Бу хусусиятларнинг стратегик режалаштиришга таъсири қўйицагилар билан бслгиланади:

Кўпчилик табиий ресурсларнинг ўрнини тўлдириб бўлмаслиги, уларнинг хамма жойдаги ва кўп томонлама аҳамияти улардан худудий фойдаланишнинг тармоқлар бўйича фойдаланишга нисбатан устуворлиги ва афзалигини таъминлашни талаб қиласиди. Бунда ресурслардан у ёки бошқа эҳтиёжларда фойдаланишда ихтисослашиш ва ресурслардан фойдаланишни бир режимдан бошқасига олдиндан қайта куриш катта аҳамиятга эга. Кўпчилик турдаги ресурсларнинг мураккаб таркиби ва кўп томонлама аҳамияти улардан комплекс фойдаланишни ва хўжаликни кўп мақсадли юритиш асосида ресурсларни яхшилашни талаб қиласиди. Шу сабабдан ресурслардан фойдаланиш ва уларни тақror ишлаб чиқаришни стратегик режалаштиришда ҳам мажмуали ёндашув зарур.

Табиий ресурслар сифати ва жойлашган ўрнининг ишлаб чиқариш самарадорлигига сизиларли даражада таъсири у ёки бошқа тадбирларни иқтиносидай асослашда кўп сонли омилларни ва уларнинг тузилишини ҳисобга олишни талаб қиласиди. Чунки бир гурух тадбирлардан олинган самара ресурсларни қайта ишлаб чиқаришнинг навбатдаги босқичида ёки хомашёни қайта ишлашда пасайиши ёки йўқотилиши мумкин. Шу сабабдан, табиатдан фойдаланишда табиий ресурсларнинг бслгиланган ҳо-

латида ёки улардан фойдаланиш даражасига эришишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ тадбирлар тизимини стратегик режалаштириш лозим. Табиий ресурсларнинг, айниқса, биологик ресурсларнинг ҳудудлар билан боғлиқлиги ишлаб чиқаришни худдий ташкил этиш ва инфратузилмани ривожлантиришга жиддий эътибор беришни талаб қиласди.

Табиятдан фойдаланишини стратегик режалаштириш асосан худдий ва тармоқлараро муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлиб, уларга тизимли ёндашувни талаб қиласди. Тизимили ёндашув қўйидагилардан ташкил топади:

- йирик тармоқлараро ва худдий маҳмуналар доирасида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, яхшилаш ва хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича тадбирларни стратегик режалаштириш асосида белгиланган мақсаддага эришишнинг энг самарали йўлларини танлашни таъминлаш;

- қўйи даражадаги мақсадлар ва вазифалар тизимини янада юқорироқ даражадаги мақсадлар ва вазифалар тизимига бўйсундириш. Уларга қўйидагилар киради: тадбирлар ҳажмини табиий ресурсларнинг белгиланган ҳолатига бўйсундириш, минтақавий стратегик режаларни ҳалқ ҳўжалиги стратегик режаларига бўйсундириш; қисқа муддатли режаларни узоқ муддатли режаларга бўйсундириш; режалар ўргасида тескари алоқа бўлиши керак-қўйи даража тизимларида режанинг ўзгариши ёки бажарилмаслиги ёки ҳозирги даврда олий даража тизимлари режаларида ёки навбатдаги режалаштириш даврида режаларни тузатишига (ўзгартиришга) олиб келиши керак;

- қўйи даражадаги тизимлар самарадорлигининг олий даражадаги тизимлар самарадорлиги натижаларига таъсирини аниқлаш табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва яхшилаш бўйича тадбирларнинг ҳалқ ҳўжалигига самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Ҳар бир тизим ўзининг кўрсаткичлари ва нормативлари билан таърифланиши керак, уларнинг сони эса йириклишиши ҳисобига янада юқорироқ тизимига ва янада узоқроқ муддатли башоратларга ўтишда камайиб бориши керак. Айни пайтда янада юқорироқ даражали тизимдаги ўтиш билан тармоқлараро, худдий, илмий-техник ва бошقا муаммолар бўйича қабул қиласидиган қарорларнинг аҳамияти ортиб боради. Табиий ресурсларнинг ахволи баҳолаш кўрсаткичларида режалаштирилиши керак. Улар табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш асосини ташкил этади. Стратегик режалаштириш учун қўлланилиши қулай бўлган, у ёки

бошқа мақсадларни амалга оширишда энг яхши натижаларга олиб келдиган усуулар тизими керак.

Ҳар қандай даражадаги тизимни стратегик режалаштириш уларнинг ўтган даврдаги ривожланиши таҳлилидан бошланади. Бу давр вақт муддати бўйича режалаштирилаётган ёки бащоратланаётган даврдан кам бўлмаслиги лозим. Таҳлил жараёнида тизимнинг ривожланиши тенденцияси ўрганилади, ҳал этилмаган муаммолар ва камчиликлар аниқланади, амалда шакланган табиий, табиий-хўжалик ва ҳудудий алоқаларга баҳо берилади. Тизимнинг ривожланиши кўрсаткичлари бўлгуси (ке僚ажак) табиий, табиий хўжалик ва ҳудудий алоқаларнинг иқтисодий асослаб берилган параметрлари ва ҳалқ хўжалигининг якуний ютуқларининг энг самарали йўлларини, хорижий мамлакатлар ибратли тажрибаларини танлаш асосида аниқланади.

Мамлакат ҳалқ хўжалиги миллий мажмуаси миқёсида табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш ғоят мураккаб мажмуавий муаммодир. У қўйидагиларни ўз ичига олади:

- табиий ресурсларнинг белгиланган ҳолати ва аҳволига асосланиб табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш ва хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш концепцияларини ишлаб чиқиш;
- тадбирлар ҳажмининг рационал жойлашиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- илмий техника тараққиёти ва экологик-техник-иқтисодий ютуқлар.


Стратегик режалаштириш бирламчи асос (маълумотлар) таҳлили натижаларига ва табиатдан фойдаланишнинг энг самарали йўллари ва усууларини ишлаб чиқиш, уларни ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ этишга асосланади. Бирламчи асосга (базага) табиий ресурслар аҳволи ва улардан фойдаланиш даражаси, тадбирлар ҳажмининг ўсиш суръатлари, тузилиш ва жойлашиши, уларни амалга оширишнинг техник-иқтисодий даражаси киради. Бирламчи асосни (базани) таҳлил қилиш жараёнида тармоқ ва ҳудудий аспектда (йўналишда) табиатдан фойдаланиш самарадорлигига баҳо берилади, стратегик (узоқ муддатли) ва тактик (жорий) мақсадлар аниқланади ва белгиланади. Стратегик мақсадлар табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларнинг оптималь ишлаб туриши заруратига асосланиб аниқланиши керак. Тактик мақсадлар эса тармоқ ва ҳудудий тизимларда табиатдан фойдаланишини такомиллаштиришга асосланади. Масалан, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичи атроф табиий мұхит ифлосланиши ва ифлосланиш оқибатларининг заарлар таъсири кучайиб бориши билан характерла-

нади. Бу шароитда табиатдан фойдаланиш стратегияси мақсадлари чиқіндисиз технологияни жорий этиш асосида модда алмашинуvininинг ёпиқ хұжалик айланишини ташкил этиш ва маҳсулот истесъмолии билан бөглиқ ҳолда пайдо бўладиган мамиший ва бошқа чиқиндилаарни тўлиқ угтилизация (қайта ишлаш) қилиш ҳисобланади. Тактика мақсадлар эса табиий ресурслардан рационал фойдаланишга йўналтирилган технология ва техникани тез суръатларда жорий этиш ва атроф-муҳитга стказиластган заарни камайтириш, шунингдек, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш бўйича режалаштириш – иқтисодий механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

### **3.2. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаш технологияси ва унинг кўрсаткичлари**

Стратегик режалаштириш маълум технологияга асослашиб ишлаб чиқылади. Технологияда табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг икки йўналиши белгиланади: 1) табиий ресурсларни эксплуатация қилиш ва хомашёдан фойдаланиш (уларни режалаштириш тармоқлароро ва ҳудудий комплекслар доирасида амалга оширилади); 2) табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш (режалаштириш хұжалик тармоқлари бўйича амалга оширилади, масалан, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқалар). Булардан ташқари, табиатдан фойдаланишда табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва баҳолаш, уларни таҳлил қилиш ва оптимизациялаш ҳам амалга оширилади. Тавсия қилинган технология асосида табиий ресурслардан фойдаланиш ва тақрор ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш туради (2-чизма).

Стратегик режалаштириш учун табиий ресурсларнинг ҳолати ва улардан фойдаланишнинг ва хўжалик оборотига киритилган материалларнинг ҳисоби асосий материал бўлиб хизмат қиласи. Ҳозирги пайтда бундай ҳисоблар кўп кўрсаткичлар бўйича олиб борилади, бу эса улардан амалиётда фойдаланишни қийинлаштиради. Шу сабабдан табиий ресурсларнинг ҳолатини старли даражада тўла акс этирадиган кам сонли баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиши лозим. Бундай талабларга табиий ресурсларнинг тизим сифатидаги кўрсаткичлари, масалан, биологик ресурсларнинг маҳсулдорлиги, улардан фойдаланиш даражаси ва бошқалар жавоб беради.



2-чизми. Табиатдан фойдаланнин стратегик ресаланттырынн тәсілология

Табиий ресурслар ҳолатини стратегик режалаштиришда уларнинг ўтган давр учун динамикасини улардан фойдаланиш ва тақрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Бундай таҳлил асосий баҳолаш кўрсаткичлари орқали амалга оширилади. Таҳлил жараённида миңтақаларнинг табиий ресурслари таққосланади, ресурслардаги ўзгарышлар тенденцияси, улардан фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришдаги номутаносиблик (диспропорциялар) ва камчиликлар аниқланади.

### 3.3. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришда уаммолари

Табиий ресурсларни ўрганиш жараённида уларнинг ички алоқалари ўрганилди ва бу табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказишнинг норматив тизими ишлаб чиқишига, шунингдек, табиий ресурсларнинг ҳолатини келажакда оптималлаштиришга имкон беради. Оптималлаштириш (мавжуд табиий- иқтисодий шароитларда) табиий ресурслар ҳолати ва аҳволининг 50-100 йилдан кейинги энг яхши кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиши бўлиб, бундай кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган тадбирлар йўналиши ва ҳажмини белгилашни билдиради. Оптималлаштириш мезонлари табиий ресурслардан энг кўп самара олиш ҳисобланади. Унинг кўрсаткичи бўлиб, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни яхшилаш бўйича тадбирларнинг максимум самара бериши хизмат қиласи. Бундай кўрсаткичлар тўғридан-тўғри ҳисоб-китоблар, шунингдек, иқтисодий-математик усуллар ва электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер) орқали аниқланади.

Мамлакатда барча даражада табиатдан фойдаланишнинг якуний натижаларига эришиш учун оптималлаштириш корхоналардан тортиб то мамлакат бўйича амалга оширилади. Бошқача айтганда, истиқболда Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш асосида табиат оптималлаштириши бутун мамлакат ҳудуди бўйича амалга оширилиши керак. Оптималлаштириш табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришни амалга оширишнинг мақсадли дастур ёндошувига асосланган энг муҳим шакли ҳисобланади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришнинг динамикаси ва оптималлаштириши материалларини таҳлил қилиш уларнинг узоқ мuddатли ҳолатини башоратлашга асос бўлиб хизмат қиласи. Шу асосда яқин истиқболда ва режалаштириш даврида табиатнинг ҳолати ва аҳ-

воли бүйіча режа топшириқлари ва табдирлари ишлаб чиқыла-ди. Бу табдирлар ва топшириқларга мамлакат халқ хұжалиги-нинг табиий ресурсларға әхтиёжи деб қараң керак. Шунға мос ҳолда табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни ях-шилаш ва муҳофаза қилиш, хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш бүйіча табдирларни стратегик режалаштириш хам мамлакатнинг табиий ресурсларға әхтиёжини таъминлашга йў-налтирилиши керак.

Табиий ресурслар ва хомашёдан мажмууали фойдаланиши-ни стратегик режалаштириш тармоқлараро ва худудий алоқа-ларни баҳолашда ва табиатдан фойдаланишнинг асосий прин-ципларига амал қилишда ва ресурслардан фойдаланышда тар-моқларға нисбатан худудий устуворликни таъминлаш принципи асосида ҳамда тармоқлараро ва худудий мажмуулар доирасида амалга оширилади.

Биологик ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни ях-шилаш ва муҳофаза қилишини стратегик режалаштириши қишлоқ хұжалиги, ўрмон хұжалиги ва бошқа хұжалик тармоқлари доирасида амалга оширилади. У тегишли табдирлар ҳажмини режа-лаштириши, уларни амалга оширишдан олинадиган маҳсулот-лар ва яқуний халқ хұжалиги нағижаларини белгилашни ўз ичи-га олади. Табдирлар ҳажми табиий ресурсларни оптималлашти-риш материаллари, табдирлар тузилтаси ва жойлашишининг таҳ-лили, уларни амалга ошириш нормативлари тизими асосида ре-желаштирилади. Мақсад ва вазифаларга боғлиқ ҳолда режалаш-тириш учун түрли усууллар күлланилади. Ұзоқ истиқболни режа-лаштириш макроалоқалардан фойдаланиш асосида, хусусан, табдирлар тузилмасининг табиий ресурсларни такрорий ишлаб чи-кариш интенсивлігі ва самарадорлығига боғлиқлігини баҳолашга асосланиб амалга оширилади. Бу күрсаткічлар ўртасида яқин алоқа ва боғлиқлікнинг мавжудлігі табиий ресурслардан раци-онал фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофазалаш йўналиш-ларида ишлаб чиқарышни ривожлантиришни ишончли башорат-лаш имконини беради. Яқин истиқболда режалаштириш баланс усули асосида, хусусан, табдирларни ўтказища фойдаланилади-ган нормативлар тизими асосида амалга оширилади. Бу норма-тивлар уларнинг түрли даражадаги самарадорлығини ҳисобга олиб ишлаб чиқылади ва улар стратегик режаларнинг түрли вариан-тилігінин таъминлашга асос бўлади.

### **3.4 Табиатдан фойдаланишни турли муддатларда стратегик режалаштириш ва баҳолашнинг хусусиятлари ва таърифи**

Табиатдан фойдаланишни режалаштириш ҳамма даврларда ишлаб чиқаришни режалаштиришининг ажралмас таркибий қисми бўлган. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида юкори сифатли табиий ресурсларнинг тугаб бориши ва камайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланишига боғлиқ ҳолда барқарор ривожланишнинг асосий омиллари қаторига кирадиган табиий ресурслар халқ хўжалигини интегратив режалаштиришининг марказида бўлиши керак. Шунинг учун халқ хўжалигини барқарор ривожлантириш режалари табиий ресурсларнинг аҳволи ва улардан фойдаланишнинг узоқ муддатли башоратларига асосланади. Бу эса, ўз навбатида, халқ хўжалиги тузилмасини олдиндан режа асосида яхшилашга, шунингдек, табиий ресурсларни ўз вақтида бир режим ва даражадан бошқасига ўтказиш имконини яратади.

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш халқ хўжалигини тармоқ ва ҳудудий индикатив режалаштиришининг асосини ташкил этиши лозим. Бундай режалаштиришининг асосий мақсади табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилишдан иборат. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий функциялари қаторига киради. Мақсадли мажмуя ва бошқа дастурлар ўз статусига кўра, режаларга тенглаштирилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг йиллик, беш йиллик ва узоқ муддатлик башоратлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир. Уларда табиий ресурс потенциалидан фойдаланишини башоратлаш мухим ўринни эгаллайди.

Табиатдан фойдаланишни узоқ муддатли стратегик режалаштириш ва башоратлаш мамлакат ва унинг минтақалари миқёсида, шунингдек, айрим табиий ресурс турлари бўйича ишлаб чиқиласди. Табиатдан фойдаланишнинг вариантиллигини таъминлаш учун башоратлар табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришнинг турли даражасини ҳисобга олган ҳолда тузиласди. Табиий ресурсларнинг ҳолати ва аҳволи, улардан фойдаланишнинг кўрсаткичлари бўлиб, табиий ресурсларнинг башорат (прогноз) ва разведка қилинган (аниқланган) захиралари, улардан фойдаланиш ҳажми, захиралар билан таъминланганлик, биологик ресурсларнинг йиллик маҳсулдорлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси хизмат қиласди.

Табиий ресурсларнинг узоқ муддатли ҳолати ва аҳволи башоратлари 20 йилгача муддатта мўлжалланган илмий техника

тараққиётининг комплекс дастурларини ишлаб чиқипга асос бўлади. Унинг доирасида тармоқлараро мажмуаларнинг ривожланиши дастурлари табиий ресурсларнинг аҳволи ва улардан фойдаланиш башоратлари билан боғланган ҳолда ишлаб чиқилади. Бунда мажмуавий кўрсаткич бўлиб қўйидагилар хизмат қиласди:

- пул билан ифодаланган кўрсаткичлар: тармоқлараро мажмуа якуний маҳсулоти ҳажмининг янгидан фойдаланилган (ишга туширилган, ишлатилган) хомашё бирлигига нисбати ва биологик ресурслар маҳсулдорлиги оширилиши бирлигига сарфланган харажатларнинг ҳажми;
- натуран маҳсулотлар билан ифодалаш кўрсаткичлари: хомашёдан фойдаланиш даражаси ва биологик ресурсларнинг маҳсулдорлиги.

Зарур ҳолатларда узоқ муддатли баşоратлар табиий ресурслардан фойдаланиши ва уларни тақрор ишлаб чиқариши оптималлаштириш учун тадбирлар ҳажмини кўрсатиш билан мустаҳкамланади. Тикланмайдиган табиий ресурслар учун улардан мажмуавий фойдаланиш даражасини оциририш бўйича тадбирлар назарда тутилади. Шундай тадбирлар хомашё ва чиқиндилар учун ҳам белгиланади. Булардан ташқари биологик ресурслар учун яхшилаш ва муҳофазалаш тадбирлари, сув ресурслари ва атмосфера ҳавоси учун саноат чиқиндилари ва ташланмалар ҳажмини камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.

Узоқ муддатли баşоратлар асосида табиий ресурслар ҳолатининг яқин давр учун (20-10 йил) кўрсаткичлари аниқланади. Шуларга асосан тадбирлар ишлаб чиқилади (тармоқлараро мажмуалар, тармоқлар, худудлар бўйича). Бунда минерал хомашё ресурслари учун ренжалаштирилаётган якунний маҳсулот ҳажмига мос лимитлар белгиланади, биологик ресурслар учун белгиланган маҳсулдорликнинг ўсиши, табиий мухит учун ифлослантириш даражасининг пасайиши кўрсаткичи аниқланади.

Бу материалларга асосланни табиий ресурсларнинг жорий аҳволи (бир йил, беш йилга) ренжалаштирилади, тармоқлар, туманлар, вилоятлар, бирлашмалар, концернлар, холдинг компаниилар, корхоналар даражасида тадбирлар ишлаб чиқилади. Тадбирлар ренжаларида хомашё ресурслари учун хомашё ва чиқиндилардан фойдаланиш даражаси, иккиласми хомашёни қайтариш, саноат ташланмалари (чиқармалари), сувдан айланма фойдаланиш кўрсаткичлари, биологик ресурслар учун органик массанинг таркиби, маҳсулдорлиги ва тўпланиши кўрсаткичлари, табиий мухит учун унинг ифлосланниш даражаси кўрсаткичлари белгиланади. Камёб ресурслар учун улардан рационал фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилишини рафбат-

лантириш мақсадларида чеклайдиган тадбирлар белгиланади.

Барча даражаларда ресека тадбирлари табиий ресурсларнинг белгиланган ҳолатини ҳалқ хўжалиги миқёсида ва узоқ муддатли истиқбоядда сақлаб қолиш мақсадларида бир-бирилари билан мувофиқлаштирилади. Булар табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни асраш, яхшилаш, муҳофазалаш ва хомашс, чиқиндилардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича тадбирлар мажмунини ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қиласиди.

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришда мақсадли-дастур ёндашувини қўллаш ресурслардан фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришни мунтазам оптималлаштириши бўйича амалга оширилган ишларнинг мақсади ва якуний натижалари тўғрисида объектив таассурот олиш имконини беради.

Ресурслар ҳолатини стратегики режалаштириш иқтисодий нуқтаи назардан итератив (қайтариладиган) жараёндир. Табиий ресурсларнинг истиқболдаги ахволи, ҳолати уларни иқтисодий баҳолашнинг жиҳдий омили бўлиб, у табиий хўжалик алоқаларининг иқтисодий регулятори (тартибга солувчиси) бўлиб хизмат қиласиди. Табиий ресурслар ҳолатининг истиқболда ўзгариши уларни иқтисодий баҳолашнинг, сўнгра эса табиатни тартибга солувчи тадбирлар самарадорлигининг ўзгаришига олиб келади. Булар, ўз наебатида, табиий ресурслар ҳолатининг башорат кўрсаткичларини ўзгартиради. Шу билан бир қаторда илмий-техника тараққиётининг таъсири остида ҳалқ хўжалигида табиий ресурсларнинг иқтисодий аҳамияти ҳам ўзгарамади. Буларнинг хаммаси табиий ресурслар ҳолатини башоратлашини иқтисодий баҳолашнинг, улардан фойдаланиш, уларни тақрор ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир нечта варианктарини ишлаб чиқишини, бу варианктардан энг мақбулини танлаб олишини талаб қиласиди.

Табиий ресурсларнинг ҳолати асосан улардан фойдаланиш билан белгиланади. Шу сабабдан табиий-хўжалик алоқаларини тартибга солишнинг асосида улардан фойдаланишни тартибга солиш ётади. Ресурслардан фойдаланиш бўйсунадиган мавқега ёки бўйсуниш аҳамиятига эга, чунки у ресурсларнинг ҳолати, ахволи билан белгиланади. Шу билан бир қаторда унинг бўйсуниш ҳолати ҳам хомашсдан фойдаланиш нуқтаи пазаридан, ҳам табиий ресурсларни яхшилаш ва атроф-муҳитни асрарининг асосий омили сифатида айнан бир пайтда кўриб чиқилиши керак. Булар табиий ресурслардан фойдаланишини мустақил муаммо сифатида ажратишга мажбур қиласиди. Бу муаммони ресурсларни режалаштириш доирасида ресурсларнинг ҳолатини режалаштириш билан биргаликда ҳал этиш зарур.

Табиий ресурслар ҳолатини стратегик режалаштиришнинг асосий мақсади ва мезонлари ва улардан фойдаланиш ўзаро боғлиқ ва ўхшашидир. Табиатдан фойдаланишнинг мақсади табиий ресурслардан бир вақтнинг ўзида мажмуали, энг самарали фойдаланиш, биологик ресурсларни яхшилаш ва атроф-муҳитни асраш ҳисобланади. Бу мақсад қуйи даража тизимларида уни олий даражадаги тизимларда амалга оширишни таъминлашни тўла ҳисобга олиши керак. Фойдаланишнинг иқтисодий мезони бўлиб ресурслардан фойдаланишдан энг кўп (максимал) самара йиғиндисини олиш, уларни яхшилаш ва атроф муҳитни асрашга хизмат қиласиди.

## Қисқача холосалар

Стратегик режалаштириш асосан ҳудудий ва тармоқлараро муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлиб, улар тизимли ёндашувни талаб этади. Стратегик режалаштириш бирламчи асос (маълумотлар) таҳлили натижаларига ва табиатдан фойдаланишининг самарали усусларини ишлаб чиқишга асосланади.

Стратегик режалаштириш технологияси икки йўналишга эга: 1) табиий ресурсларни эксплуатация қилиш ва хомашддан фойдаланиш; 2) табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни яхшилаш ва мухофаза қилиш. Бунда ресурслар ҳолатининг ўтган давр учун динамикаси таҳлил қилинади.

Оптималлаштириш стратегик режалаштиришни амалга оширишнинг мақсадли дастур ёндашувига асосланган энг муҳим шағлидир.

Табиатдан фойдаланишин режалаштириш ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг ажралмас таркибий қисмидир. Табиатдан фойдаланишин стратегик режалаштириш ва башоратлаш мамлакат ва унинг минтақалари, шунингдек, айрим ресурстурлари бўйича ишлаб чиқилади.

Узоқ муддатли башоратларнинг мажмуя кўрсаткичлари пул билан ёки натура маҳсулотлар билан ифодаланиши мумкин.

Табиий ресурслар ҳолатини стратегик режалаштиришнинг асосий мақсади улардан мажмуавий ва самарали фойдаланиш, биологик ресурсларни яхшилаш, атроф-муҳитни асрар ҳисобланади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш қандай асосий хусусиятларга эга?
2. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришига тизимли ёндашув хусусиятларини таърифлаб беринг.
3. Стратегик режалаштиришининг тузилмасини тушунтиринг.
4. Стратегик режалаштиришининг технологияси қандай хусусиятларга эга?
5. Стратегик режалаштириш технологиясида қандай асосий кўрсаткичлар асос қилиб олинади?
6. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштирища оптималлаштириш қандай роль ўйнайди? Оптималлаштириши нима?
7. Оптималлаштириш қандай амалга оширилади? Унинг асосий кўрсаткичлари ва йўналишларини тушунтиринг.
8. Табиатдан фойдаланишни башоратлаш ва стратегик режалаштириш қандай муддатларга мўлжалланади ва уларни тузиш нималарга асосланади?
9. Стратегик режалаштириш ва баҳоратлаш қандай аҳамиятига эга?
10. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириши кўрсаткичларини таърифланг. Унда табиий ресурслар ҳолати қандай ҳисобга олинади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-спизмикка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиши. Қонуилар ва норматив хужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. - Т., 2002.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. -Т., 2002.
5. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интерпракс, 1995.
6. Никаноров А.-М., Хоружая Т.А. Экология. -М., 1999.
7. Реймерс Н.Ф. Природопользования. Словарь-справочник. -М.: Мысль, 1990.
8. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
9. Стратегическое планирование. Под ред. Э.А. Уткина. Учебник. -М., 1998.

## IV боб

### ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛANIШ, УЛАРНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

#### 4.1. Табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чиқариш бүйича тадбирларни стратегик режалаштиришга күйиладиган талаблар

Хомашёдан комплексе ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, бу ресурсларни асраш, яхшилаш, мұхофазалаш тадбирлари режалаштирилесттән муддаттарда уларнинг белгиланган ҳолатига эришишини таъминлаши, ресурслардан фойдаланишини ўз вақтида бир режим ёки стадиядан (боскүчдан) бошқасига ўтказишга имкон бериси керак. Бунинг учун тармоқлараро ва худудий мажмуалар дөнрасыда табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш бүйича ишлаб чиқиладиган тадбирлар тизимига асосланыш көрек. Бундай тадбирларни стратегик режалаштириш учун табиий, табиий-хўжалик ва худудий алоқаларни чукур ўрганиш ва баҳолаш, ресурсларнинг белгиланган ҳолатига эришишининг энг самарали йўналишлари, усувларини танлаш талаб қилинади. Бунда фан-техника ютуғларидан фойдаланишини тезлаштириш асосида интенсификациялаш асосий ўринни эгалайди. Стратегик режалаштириш эса қўйидаги йўналишларга асосланади:

- тадбирлар классификацияси ва уларнинг табиий ресурсларни асраш ва яхшилашдаги, хомашёдан фойдаланиш даражасини оширишдаги ролини баҳолаш;
- тадбирлар тузилмасини ишлаб чиқаришининг хомашёдан фойдаланиш, табиий ресурсларни мұхофазалаша ва яхшилаш бүйича интенсивлиги билан бөглиқ ҳолда баҳолаш;
- башоратлаш ёки стратегик режалаштириш даври учун тадбирларни, уларнинг ўзгариши, ривожланиши ва жойлашишини таҳлил этиш;
- ҳалқ хўжалигининг якуний натижаларига эришишининг энг самарали йўллари ва йўналишларини танлаш;
- тадбирлар самарадорлиги ва маҳсулотлар, ҳалқ хўжалиги якуний натижаларини ҳисобга олишни тўғри баҳолаш;
- тадбирларни стратегик режалашни мажмуали, тизимли сндашувга асосланиб амалга ошириш ва бунда бир тадбирнинг самараси бошқалари бажарилмагандан йўқолиб кетмаслигини таъминлаш;
- тегишли норматив базани ишлаб чиқиш;

- табиий ресурсларнинг белгиланган ҳолатига эришишни тизимли назорат қилиш.

#### 4.2. Стратегик режалаштиришнинг асосий тадбирлари ва уларни амалга ошириш

Стратегик режалаштиришда табиий ресурсларнинг белгиланган ҳолатига эришиш тадбирлари фоят хилма-хил бўлиб, уларни қўйидаги икки катта гурухга бўлиш мумкин: 1) хомашёдан мажмуали фойдаланиш бўйича тадбирлар; 2) табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни асрар, яхшилаш ва муҳофаза этиш бўйича тадбирлар.

Бу икки гурух тадбирлар тизими бир-бири билан ўзаро узвий боғланган. Масалан, хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш уларни қазиб олиш ҳажмининг камайишига олиб келади, яъни табиий ресурсларни тежашга сабаб бўлади. Табиий ресурсларни муҳофаза этиш ва яхшилаш бўйича тадбирлар эса хомашёдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келади. Айни пайдада бу тадбирлар тизими гурухлари бир-биридан йўналиши, тузилмаси бўйича фарқ қиласди, улар турли иқтисодий тизимлар билан боғланган. Шу сабабдан уларни стратегик режалаштиришни алоҳида кўриб чиқиши керак.

Биринчи гурух тадбирлар – хомашёдан мажмуали фойдаланиш – моддий ишлаб чиқариш тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш билан боғланган. Уларни тармоқлараро мажмуалар доирасида стратегик режалаштириш керак, чунки айнан тармоқлараро мажмуалар таркибида хомашёдан фойдаланиш даражасини оширишнинг энг самарали йўналишларини белгилаш ва амалга оширишнинг кўплаб имкониятлари мавжуд. Ҳар бир тармоқлараро мажмуа учун ўзининг тадбирлар тизими бор ва бу тадбирлар тизими умумий классификацияга асосланиб ишлаб чиқилади (1-жадвал).

1-жадвалда ишлаб чиқариш жараёнида хомашё ва чиқиндилардан фойдаланиш даражасини ошириш, маҳсулот истеъмолини жараёнида материалларни тежаш, хомашёдан қайта фойдаланиш бўйича тадбирлар тизими берилган. Улар хомашёдан тўла фойдаланишга ва қазиб олинадигаш хомашё ҳажмитни ва сарфини якунни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида камайишига йўналтирилган. Бу тадбирлардан стратегик режалаштирища улар ўргасидаги ўзаро алоқаларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур, чунки улардан бирининг ҳажми бошқасининг ҳажми камайишига олиб келиши мумкин. Масалан, маҳсулот чиқариш ҳажмийнинг оширилиши чиқиндилар ҳажмининг камайишига, хомашё сарфлаш месъериининг пасайишни ва истеъмол жараёнида маҳсулотларни тежаш иккиласмачи ресурслар ҳажмининг нисбатан камайишига сабаб бўлади.

*I-жадвал*

Хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича тадбирларнинг баҳолаш классификацияси (қисқартмалар: а-асосий самара; б-бильвосита (қўшимча) самара)

Тадбирларнинг номи	Камайтириш самаралари бўйича				
	материаллар ҳажми	Мехнат ҳажми	капитал ҳажми	чиқиндишарни чиқариб ташланган харожатлари	атроф-мухитга зарар етказилиши
<b>Хомашёдан мажмумали фойдаланиш</b>					
Йўлдош компонентлар утилизациясин очимла ион жиссанларни ҳам кўниб	а	б	б	а	а
Чиқиндишар технологиясин жорий этиши	а	б	б	а	а
<b>Маҳсулот чиқинини ошириш (қўпайтириш)</b>					
Компонентларни чиқариб олиш дарёжасини ошириш	а	б	б	а	б
Материалларни рационал бичиш	а	б	б	б	б
Хомашёни қайта ишланишини язги технологиясин жорий этиши	а	б	б	б	б
Унификацияланган буюмлар ишлаб чиқарни	а	б	б		
<b>Чиқиндишардан фойдаланишни даражасини ошириш</b>					
Чиқиндишарни тўйсами, таркиби ва сифати бўйича искрарни	а	б	б	а	а
Чиқиндишарни қайта ишланиши бўйича ишлаб чиқарнишининг ривожлениши	а	б	б	а	а
<b>Хомашё ва буюмлар истеъмолни жараёнида тежаш</b>					
Етказиб берилётган хомашёнинг сифатини ошириш	а	б	б		
Спецификацияланган (таснифланган) буюмларни етказиб берни	а	б	б		
Материаллар ва буюмларнинг истеъмоли хусусиятларини яхшилаши	а	а	а		
Буюмлар хизмати муддатини улайтириш	а	а	а		
<b>Хомашё ва буюмлардан иккиласмачи фойдаланиш</b>					
Иккиласмачи хомашёни алоҳида тўйлаш ва қайта ишлани	а	б	б		а
Буюмларни йигини ва улардан қайта фойдаланиши	а	а	а	б	б
Истеъмол чиқиндишарни мажмуда қайта ишланиш	а	б	б		а

Тадбирлар классификациясини ишлаб чиқиш жараёнида улар маҳсулотларнинг ҳажми, меҳнат ҳажми, капитал ҳажмига таъсирни бўйича баҳоланади, шунингдек, бундай баҳолаш чиқиндишарни чиқариб ташлаш харажатлари ва атроф-мухитга зарар етказиши бўйича ҳам амалга оширилади. Бу хусусиятлар тадбирлардан энг самаралисими

таңлаб олиш имконини беради. Бундан ташкари ушбу классификация уларнинг тузилма ва жойлашишини, хомашёдан фойдаланиш даражаси, тармоқлараро мажмууда ишлаб чиқаришнинг интенсивлиги ва самарадорлиги билан алоқаларини ўрганиш имкониятини яратади. Бу алоқалар хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириши бўйича узоқ муддатли башоратлашга асос бўйib хизмат қилиши мумкин.

Табиий ресурслардан рационал фойдаланиши, уларни муҳофаза қилиши ва яхшилашдан олинадиган маҳсулотлар ўзининг таркиби бўйича мураккаб бўлган, халқ хўжалигининг алоҳида маҳсулот тури ҳисобланади. Унинг асосини ресурсларни асрар ёки яхшилаш самараси ташкил этади. Бу маҳсулотлар бевосита товар шаклига эга бўлмайди ва улардан фойдаланиши халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ўзига хос самара беради.

#### 4.3. Хомашёдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси тадбирларини стратегик режалаштириш

Кўйи даражада хомашёдан фойдаланиши тадбирларини стратегик режалаштириш олий (юқори) даражада тизимларида хомашёдан юқори даражада фойдаланишини таъминлашга йўналтирилиши керак. Бошқача айтганда, корхоналар ва тармоқларда тадбирларни стратегик режалаштириш тармоқлараро мажмууларда хомашёдан фойдаланиши даражасини оширишга йўналтирилиши лозим. Шу нуқтаи назардан чиқиндисиз технологияни жорӣ этиш, хомашёси сифати ва маҳсулот чиқариш ҳажмини ошириш, щунингдек, асосий хомашёнинг ўрнини босадиган чиқиндилардан фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар энг кўп самара беради. Турли тадбирлар тури ва ҳажми бўйича шуларга мос тушадиган харажатларни талаб қиласди, уларни стратегик режалаштириш эса турли тизимлар доирасида амалга оширилиши лозим. Масалан, чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш кўп капитал қўйилмалирини талаб қиласди ва шу сабабдан тармоқлараро мажмуулар доирасида режалаштирилиши лозим; маҳсулот ва хомашёси сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар камроқ харажат талаб қиласди ва тармоқлар доирасида режалаштирилиши лозим; маҳсулот чиқишини кўпайтириш бўйича тадбирлар асосан корхоналарда режалаштирилиши ва жорий сарф-харажатлар ҳисобига амалга оширилиши керак.

Тадбирларни стратегик режалаштириш мажмуули режалаштириш асосида амалга оширилиши лозим. Бундай режалаштириш хомашённи қайта ишлаш ёки маҳсулот истеъмолийининг бир босқичида эришилган самараларни уларнинг бошқа босқи-

чида йўқотилмаслигини таъминлашга йўналтирилиши керак. Масалан, спецификацияланмаган (таснифланмаган) яримфабрикатларни ишлаб чиқариш кўп холларда хомашёни тежаш бўйича барча харажатлар ва ишларни йўққа чиқаради, чунки у навбатдаги босқичда материалларни кўп сарфлашга олиб келади. Шунинг учун хомашёни қайта ишлашнинг барча босқичларида шундай буюмларни ишлаб чиқаришни режалаштириш керакки, улардан фойдаланишининг навбатдаги босқичда материалларни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятлари таъминлансан. Бунда буюмлар сифати ва харидорбоплиги алоҳида аҳамиятга эга. Яримфабрикатлар сифатининг пасттиги ортиқча материаллар ва меҳнатни бекорга сарфлашга олиб келади, харажатлар эса ишлаб чиқаришнинг навбатдаги ҳар бир босқичида ошиб боради. Шунинг учун хомашёни қайта ишлашнинг ҳар бир янги босқичига ўтиш давомида маҳсулот сифати ҳам яхшиланниб бориши керак. Булар тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳам таалуқли бўлиб, уларнинг юқори сифати халқ ҳўжалигида моддий харажатлар ва таъмирашга сарфларнинг камайишига олиб келади.

Хомашёдан мажмуали фойдаланиш бўйича тадбирлар уларни ўтган даврлар бўйича таҳдил қилишга ва хомашёни қазиб олиш ва улардан тармоқлараро мажмуаларда якуний маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланишда белгиланган даражага эришишнинг энг самарали йўлини танлашга асосланади. Бундай таҳдил тармоқлараро ва ҳудудий жиҳатдан хомашё ва чиқиндилярдан фойдаланиш даражаси, месърий ва самараордорлининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Таҳдил жараёнида хомашёдан фойдаланишда эришилган даражага илмий-техника тараққиёти, бозор талаби, хомашё сарфи ва чиқиндилярдан фойдаланишининг прогрессив месъларини қўллаш бўйича мамлакатдаги ва хорижий илгор тажрибалар билан таққосланади. Шуларга асосланниб, тадбирларнинг асосий йўналишлари белгиланади ва танланади.

Стратегик режа тадбирлари тармоқлараро, тармоқлар ва ҳудудий миқёсда тузилади. Бунда якуний натижалар баҳоланади ва баҳолашда унинг кўрсаткичлари бўлиб натурал ифодаларда барча маҳсулотни ишлаб чиқариш, пул ифодасида эса хомашё бирлигига соғ маҳсулот ишлаб чиқариш хизмат қиласади.

Кўйилган мағсад ва муддатларга боғлиқ ҳолда стратегик режалаштиришининг турли усуллари қўлланилади. Узоқ муддатли башоратлаш ва стратегик режалаштиришда тадбирлар ҳажми хомашёдан фойдаланишни 50-100 йилгача даврдаги материаллари асосида белгиланади ёки улар иктиносидий-статистик

моделлардан фойдаланишга асосланиб тузилади. Иқтисодий-статистик моделларда, масалан, тармоқтараро мажмуаларда тадбирлар тузилмаси ишлаб чиқаришнинг интенсивлиги ва самарадорлиги билан бөглиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Режалаштириласттган давр учун тадбирлар ҳажми хомашё, чиқиндилар, шунингдек, иккиласын ошириш бўйича хомашё ва чиқиндиларни сарфлаш ҳисоблари балансларига ва тадбирлар самарадорлигига, бозор талабларига асосланиб белгиланади.

Хомашёдан фойдаланиш даражасини оширишнинг энг самарали йўналишларини танлашда тадбирлар самарадорлигини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. Халиқ хўжалиги бўйича тадбирлар самарадорлиги хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда материал ҳажми, капитал ва жорий харажатларни, атроф-мухитга зарарни камайтириш бўйича аниқланади. Бунда, шунингдек, ишлаб чиқаришни чиқиндилардан фойдаланган ҳолда ривожлантиришдан олинадиган ижтимоий самара ҳам ҳисобга олинади. Умуман, режалаштириласттган тадбирлар самарадорлиги ишлаб чиқариш, табиий ва ижтимоий тизимларнинг мақсадга мувофиқ ишлаб туриши бўйича таъсирини тўла ҳисобга олишга асосланиб белгиланади.

Амалиётда тадбирлар самарадорлиги бозор конъюктурасини ҳам ҳисобга олиб, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири бўйича аниқланиши мумкин. Бунда самарадорлик жонли меҳнат самарасининг моддийлаштирилган меҳнат сарфларига нисбати орқали ифодаланади. Уни қўйидаги формулада кўрсатиш мумкин:

$$P=[(B-T)/\Phi] \cdot 100$$

Бунда:  $P$ - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги %;  $B$ -маҳсулот баҳоси, сўм;  $T$ -маҳсулот таннархи, сўм;  $\Phi$ -ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур ишлаб чиқариш фондлари, сўм.

Чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишда хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича тадбирлар самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги билан, бошка тадбирлар эса уларнинг ўзгариши бўйича аниқланади.

Юқорида берилган формулани унча мураккаб бўлмаган ўзгартирини асосида қўйидаги нисбатни олиш мумкин:

$$P=\Phi \cdot (1-x) = (y \cdot M \cdot \varsigma) \cdot t$$

Бунда:  $P$ -ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги;

**Ф-фонд унумдорлиги товар маҳсулот ҳажмининг ишлаб чиқариш фондларига нисбати сифатида;**

**Х-бир сўмлик товар маҳсулотга харажатлар;**

**у-меҳнат унумдорлиги ёки битта ишловчига маҳсулот ҳажми;**

**М-битта ишловчига ўртача йиллик меҳнат ҳаки, сўм;**

**К-моддий харажатлар коэффициенти маҳсулот таннархининг иш ҳақига нисбати сифатида;**

**Қ - меҳнатнинг фондлар билан таъминланиши (куролланиши) ёки ишлаб чиқариш фондлари қийматининг ишловчилар сонига нисбати, сўм. Бу нисбат ишлаб чиқариш самарадорлиги омилларининг натижавий кўрсаткичи рентабеллик билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар тизими режалаштирилаётган тадбирларни улар самарадорлигининг турли жиҳатларини таърифловчи омиллар бўйича баҳолаш имконини беради.**

Тадбирлар самарадорлигини фақат харажат ва натижаларни тўғри аниқлаш орқали ишончли баҳолаш мумкин. Бозор иқтисодисти шароитида маҳсулот баҳосини аниқлаш жуда мураккаб муаммодир. Бунда биринчи навбатда жаҳон бозори конъюнктураси ва унинг фойят ўзгарувчанлигини ҳар томонлама ҳисобга олиш талаб қилинади. Айнан шу ҳолат маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини белгилаб беради. Шу билан бир қаторда жаҳон бозори баҳоларини башоратлаш фойят мураккаб муаммодир. Лекин маҳсулотлар баҳосини аниқлаш тадбирларни истиқболда стратегик режалаштиришининг муҳим омиллари қаторига киради. Мальумки, корхоналар даражасида маҳсулотларга баҳолар уларни ишлаб чиқариш харажатлари ва табиий ресурсларга харажатларга асосланиб аниқланади.

Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, бу ресурсларни асраш, яхшилаш, муҳофазалаш тадбирларини стратегик режалаштириш уларни ресурсларга таъсирининг йўналиши, натижалари, давомийлиги ва самарадорлиги бўйича классификациялашга асосланishi керак. Шу асосда ресурсларнинг тузилмаси ва жойлашиши ўрганилади, тадбирларни ўтказиш ва уларнинг самарадорлиги нормативлари ишлаб чиқилади, якуний халқхўжалиги натижалари белгиланади.

Тадбирлар ҳажмини яқин муддатлар учун режалаштириш уларнинг нормативларини ишлаб чиқишини талаб қиласди. Нормативлар табиий ресурсларда табиий алоқаларни тартибга солиш, шунингдек, тадбирларни амалга оширишга мўлжалланган қувватлардан рационал фойдаланиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

## Қисқача хуросалар

Стратегик ресжалаштиришга кўйиладиган асосий талаблар табиий, табиий-хўжалик ва худудий алоқаларни чуқур ўрганиш ва баҳолаш, ресурсларининг бслгиланган ҳолатига эришишининг энг самарали йўналиш ва усусларини танлаш билан узвий боғлиқдир.

Стратегик ресжалаштиришнинг асосий тадбирларини асан қўйидаги икки гурӯҳга бўлиш мумкин: 1) хомашёдан маҳмуали фойдаланиш бўйича тадбирлар; 2) табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни асрар, яхшилаш ва муҳофазалаш бўйича тадбирлар.

Ҳомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш тадбирларини баҳолаш қўйидаги йўналишда классификацияланади: 1) хомашёдан маҳмууа фойдаланиш; 2) маҳсулот ишлаб чиқариши ошириш (купайтириш); 3) чиқиндилардан фойдаланиш даражасини ошириш; 4) хомашё ва буюмлар истеъмолии жарёнида тежкаш; 5) хомашё ва буюмлардан иккиласмчи фойдаланиши. Буларнинг ҳар бири ўзига хос кўреатикичларга эга.

Стратегик ресжалаштиришда асосий эътибор хомашёдан фойдаланиш даражасини оширишга қаратилади. Бунда чиқиндисиз технологияни жорий этиш ва чиқиндилардан маҳмууали фойдаланиш тадбирлари энг кўп самара беради.

Ҳомашёдан комплекс фойдаланиш тадбирлари илмий техника тараққиёти, бозор талаби, хомашё сарфий ва чиқиндилардан фойдаланишининг оптимал месъёрларига асосланиб ишлаб чиқилади.

Стратегик ресжалар тармоқлараро, тармоқ ва худудий миқёсларда тузилади. Бунда турли усуслар кўпланилади.

Тадбирлар самарадорлигини харажат ва натижаларини тўғри аниқлаш орқали ишончли баҳолаш мумкин. Бунда жаҳон бозори конъюнктураси ва унинг тез ўзгариши ҳар томонлама ҳисобга олинини керак.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни тақрор ишлаб чиқариш бўйича тадбирларни стратегик режалаштиришга қандай талаб қўйилади?
2. Хомашёдан мажмуали фойдаланиш тадбирларини стратегик режалаштиришнинг мазмуни ва моҳиятини таърифланг.
3. Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни асрарш, яхшилаш, муҳофазалаш тадбирларини стратегик режалаштиришга қандай талаблар қўйилади?
4. Хомашёдан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича тадбирларни баҳолаш классификацияси қандай тузилади?
5. Хомашёдан фойдаланиш тадбирлари классификациясидан стратегик режалаштиришда фойдаланиш йўналишларини тушунтиринг.
6. Хомашёдан фойдаланиш тадбирларини стратегик режалаштириш хусусиятларини таърифланг.
7. Стратегик режалаштиришда тадбирлар самарадорлиги қандай аниҷланади?
8. Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни асрарш, яхшилаш, муҳофазалаш тадбирларини стратегик режалаштириш хусусиятларини тушунтиринг.

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мұхитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. -Т., 2002.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. -Т., 2002.
5. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интерпракс, 1995.
6. Рыночные усуглы управления окружающей средой. Учебное пособие. -М., 2002.
7. Мониторинг природы в бассейне Аральского моря. -Т.: Гидрометеоиздат, 1991.

## V боб

### ТАБИАТ КОМПОНЕНТЛАРИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

#### 5.1. Табиат компонентлари стратегик режалаштириш объектти

Табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштириш бир томондан, атроф табиий мұхит ҳолатини қар томонлама бақлашга, бошқа томондан эса, уннинг айрым компонентлари ресурсларини (атмосфера, сув, ер, үсімлік, ҳайвонот олами, минерал хомаше ресурслари) бақлашга ва улардан халқ хұжалигыда фойдаланишга, уларни мұхофазалашға асосланади. Бу жарапада мамлакаттинг табиатдан фойдаланиш ва уни мұхофаза қилишни амалға ошириш учун моддий, мәжнат ва молиявий ресурсларини ажратып имкониятлари ҳам қар томонлама ҳисобға олинини көрек.

Мамлакаттинг ижтимоий-иқтисодий ривожланыштың иқтисодидістің ижтимоий соҳаларыннан атроф табиий мұхитта уннинг компонентлари билан доимий үзаро тәсіри үзаро алоқаларисыз амалға ошмайды. Иқтисодидістің ижтимоий соҳалар табиий ресурсларнинг истығмотасы ҳисобланади. Табиий ресурслар роліннан умумий стратегик режалаштиришда ошиб бориши үзаро табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш эса уннинг мұхиттің ійналиштегі айланғаншығы, уларнинг умумий мақсады бирламғылары билан белгиланади. Табиатдан фойдаланыштың стратегик режалаштириштегі асосий мақсады табиатдан ва уннинг компонентлари ресурсларидан хұжаликнинг барча тармоқларыда мақсадта мұвоғыт фойдаланыша үларнинг зарарлы тәсірилерінің әңгімә даражага тушириштегі, табиаттинг үз-үзінші тиеселешіліктерінде тақрорий ишлаб чықарыши хусияттарынни ривожлантиришдан ибораттады.

Табиат компоненттері ресурслары ҳолатини бақлаштың асосий мезони ер, сув, ҳаво, үсімлік, ҳайвонот олами ва минерал хомаше ресурсларыннан табиий ресурспотенциалы (салохияти), уларнинг үзгариши тенденциялари ҳисобланади.

Табиат компоненттері ресурсларынан моддий ишлаб чықарышиңында қатар тармоқлары учун мәжнат предметтерінде ишлаб чықарыши воситасы бўлиб хизмат қиласи (қишлоқ хұжалиги, ўрмон хұжалиги, балиқчиллик, овчилик ва бошқалар).

Ахоли яшашы, мәжнат қилиши ва дам олишининг табиий шароити яшаш манзиллари (кишлоқлар, поссёлкалар, шаҳарлар) табиий мұхити ахволини характерлайдиган күрсаткычлар орқа-

ли баҳоланади. Шаҳарлар табиий мұхитига ва ахоли яшаш шароитига ишлаб чиқаришнинг түпланиши (концентрация), транспорт ва коммунал хұжалигининг ривожланиши салбий таъсир күрсатади. Шаҳарлар табиий мұхитининг әнг мұхим күрсаткічларига қуйидагилар киради: атмосфера ҳавосининг тозалығы, ички шаҳар сув ҳавзаларининг тозалығы, шаҳар ҳудудининг умумий санитария ҳолати, ички шаҳар ва шаҳар атрофи үрмөнлари ва яшил зоналарининг мавжудлігі ва бошқалар.

Саноат корхоналарининг жойлашыши ва ишлаши уларнинг табиий ресурслар билан таъминланишини ифодаловчи күрсаткічлар билан баҳоланади. Булар қаторига қуйидеги күрсаткічлар киради: сув билан таъминланиши, технологик максадлар учун сув ва ҳавони тайёрлаш ҳаражатлари, иш жойларига тоза ҳавони стказиб бериш ҳаражатлари ва бошқалар.

Ноңб табиий обьектлар, камёб ва йўқолиш ҳавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот турлари натурал күрсаткічларда баҳоланади. Бундай күрсаткічларга қўриқхона, буюртма, табиий боғлар ва алоҳида мухофаза қилинадиган ҳудудлар майдонлари, ноңб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот турлар сонини тиклаш, уларни жойлаштириш, такрор ишлаб чиқариш ва бошқаларга оид күрсаткічлар киради.

## 5.2. Табиат компонентларини стратегик ресжалаштиришда тавсия қилинадиган тадбирлар

Табиат компонентларини асраш, яхшилаш, мухофаза қилиш соҳасидаги амалий тадбирлар давлат стратегик ресжалаштириш обьектлари ҳисобланади. Табиат компонентларидан рационал фойдаланиши ва уларни мухофазалашнинг барча амалий тадбирларини шартли равища қуидаги түртта гурухга ажратиш мумкин:

- табиат компонентлари ресурсларидан рационал фойдаланиш, уларни асраш, тиклаш, такрор ишлаб чиқариш ва мухофазалаш тадбирлари;
- табиат компонентларига саноат, қышлоқ хўжалиги, транспорт, ахоли яшаш манзиллари, коммунал хўжалигининг салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар;
- ахоли яшаш манзиллари, биринчи навбатда шаҳарларнинг атроф-мұхитини мухофаза қилиш, соғламлаштириш, яхшилаш бўйича тадбирлар;
- ноңб табиий обьектлар, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот турларини мухофазалаш, қўриқхоналар, табиий боғлар барпо этиш.

Табиат компонентлари ресурсларини тиклаш, такрор ишлаб чиқариш ва муҳофазалаш тадбирларига куйидагилар киради: тупроқ мелиорациясининг барча турлари (сугориш, яйловларни сув билан таъминлаш), сув ва шамол эрозияси, тупроқнинг иккиласмчи ўзурланишига қарши кўрашиш, қишлоқ хўжаликни срларини ссллардан ҳимоялаш; дарёлар сувини тартибида солиш ва сув омборлари барпо этиш, каналлар қуриш; ўрмон хўжалигини ривожлантириш; балиқчиликни ривожлантириш, фойдали ҳайвонот оламини қўлпайтириш ва бошқалар.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, шаҳарлар, ва бошиша аҳоли яшаш манзиллари коммунал хўжалигининг зарарли таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар энг аввало, корхоналар ва обьектларни рационал жойлаштириш, уларнинг ҳаддан ташқари юқори даражада тўпланишига йўл қўймасликка йўналтирилиши керак. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларининг технологик чизмаларини ҳавони, сув ҳавзаларини, тупроқни қаттиқ, суюқ ва газсимон чиқиндилар билан ифлосланишини камайтирадиган йўналишда такомиллаштириш бўйича тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Тоғ бойитиши фабрикалари, заводларининг шламлари, чиқиндилари, металлургия шлаклари ва бошқа қаттиқ чиқиндиларни иккиласмчи қайта ишлаш ва улардан қурилиш материаллари сифатиди фойдаланиш керак. Ҳозирги пайтда оқар дарё сувларини минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, чорва фермаларининг чиқиндилари билан ифлосланиши муҳим муаммога айланган. Бунда сув ҳавзаларида сув муҳофазаси зоналарини барпо этиш, чиқиндиларни зарарсизлантирадиган иншоотларни қуриш муҳим аҳамиятга эга.

Автомобилларнинг зарарли газларини ҳавога чиқаришини камайтириш мақсадида двигателларни такомиллаштириш, ёқилғи сифатини яхшилаш, иссиқчлик электр станцияларини табиий газга ўтказиш, ахлатларни қайта ишлайдиган заводларни қуриш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш керак.

Шаҳар табиий муҳитининг ҳолатини яхшилаш фақат саноат, транспорт, коммунал хўжалигига амалга оширилаётган тадбирларгагина боғлиқ бўлиб қолмай, балки меъморчилик-режалаштириш, саноат майдончалари ва уй-жой кварталлари ўртасида санитария-муҳофаза зоналарини барпо этиш, шаҳар худудини кўкалатамзорлаштириш, шаҳар ички сув ҳавзаларини тозалаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ноёб табиий обьектлар, камёб ва йўқолиб кетиш ҳавфи остида қолган ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш илмий

асосланган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини барпо этиш тадбирларини амалга ошириш орқали ҳал этилади.

Таърифланган тадбирлар билан бир қаторда табиат муҳофазасида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, маҳсулот бирлигига сарфланган табиий ресурслар ҳажмини камайтириш катта аҳамиятга эга. Табиат компоненти ресурсларидан фойдаланишини такомиллаштиришнинг стратегик режалаштиришда ҳисобга олиш зарур бўлган энг муҳим йўналишларига кўйидагилар киради: тоза сув сарфини саноат корхоналарида айланма ва қайта фойдаланиш тизимини жорий этиш, сувдан тўловли фойдаланиш асосида камайтириш; ер остидан фойдали қазилма бойликларини тўла қазиб олиш, чиқиндилардан тўла фойдаланиш, рудани қайта ишлашда истрофгарчиликни камайтириш; тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда материалларни кўп сарфлаш ҳолларини камайтириш ва бошқалар.

### 5.3. Табиат компонентларидан фойдаланиш, уларни муҳофазалашни стратегик режалаштириш

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам XX асрнинг охири XXI асрнинг бошида табиий ресурсларни иқтисодий ва ижтимоий истеъмолини ошиб боришига боғлиқ ҳолда табиатдан фойдаланишининг икки глобал муаммоси – кўпчиллик табиий ресурс турларининг камайиши, тамом бўлиши ва атроф табиий муҳит сифатининг доимий камайиб бориши кескинлашди. Шу сабабдан табиатдан фойдаланиши атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш долзарб муаммога айланди. Бу муаммолар сими табиий ресурсларни стратегик режалаштириш ва башоратлашга, бунда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг табиий ресурсларга эҳтиёжини таъминлашга асосланиши керак.

Табиат компоненти ва унинг ресурслари ҳисобланган ер, сув, ҳаво, ўсимлик, ҳайвонот олами, фойдали қазилмаларни стратегик режалаштириш муаммоларини кўриб чиқамиз.

Ердан фойдаланиши ва уни муҳофазалашни стратегик режалаштиришда срнинг чекланганлиги, унинг энг кўп истеъмол қилинадиган ресурслиги, ер фондини асраш ва муҳофазалаш, тупроқнинг унумдорлигини кўллаб-куватлаш ва яхшилаш, унинг смирилишига йўл қўймаслик зарурати ва бошқалар тўла ҳисобга олиниши керак.

Ернинг энг йирик истеъмолчилари қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, капитал қурилиш ва ижтиомий соҳа тармоқлари ҳисоб-

ланади. Ерни стратегик режалаштиришнинг асосий кўрсаткичи ср майдонининг умумий ҳажми бўлиб, у ерни истеъмол қилиш характеристига боғлиқ ҳолда қуидагиларга бўлинади: а) қишлоқ хўжалиги срлари; б) қишлоқ хўжалигидан бошقا мақсадларда фойдаланиладиган срлар; в) яроқсиз, фойдаланилмайдиган срлар. Стратегик режалаштиришда ушбу уч турдаги срлар ўргасидаги нисбатнинг ўзгариши, уларнинг бир турдан бошқасига трансформацияси ишлаб чиқилади. Қишлоқ хўжалиги срлари таркибида экинзор (ҳайдалган срлар), яйлов, боғлар ва узмзорлар, томорқалар майдони ва бошқалар, уларнинг ўзгариши режалаштирилади. Қишлоқ хўжалигидан бошقا мақсадларда фойдаланиладиган срлар таркибида саноат, транспорт, ижтимоий соҳа, капитал қурилиш срлари майдонлари режалаштирилади. Фойдаланилмайдиган срлар таркибига қумлар, ботқоқликлар, тошлоқ участкалар, ноқулай рельефли срлар ва бошқалар киради. Уларнинг яроқли срларга трансформацияси режалаштирилади. Ҳайдаладиган срлар (экинзорлар) яйлов сифатида фойдаланишга, тоб-кон саноатида фойдаланиладиган срлар капитал қурилишга берилиши ва бошқа шунга ўхшаши ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Ерлар қисман такрор ишлаб чиқариладиган ва тикланадиган ресурслардир. Унинг такрор ишлаб чиқарилиши сифатини оширишининг реал имкониятлари борлигига намосн бўлади. Стратегик режалаштиришда ср мусулларни оширишига таъминлаш, ср устини тикишташ (планировка), террасалаш, ўғитдан фойдаланиш, тупроқса ишлов берувчи технологиясини такомиллаштириш (алмашлаб экиш ва бошқалар), рекультивация, эрозияга қарши кўраш тадбирлари ва бошқалар билан белгиланади. Ердан фойдаланишда унинг сифатини оширишининг барча имкониятлари ишга туширилганда ерни такрор ишлаб чиқариш коэффициенти ҳамиша бир бутундан (1,0) ортиқ бўлиши таъминланади.

Сув ресурсларидан рационал фойдаланиш ва уларни муҳофазалашни стратегик режалаштиришнинг асосий вазифаси ҳалик хўжалиги ва аҳолининг сувга эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида уларнинг истеъмолга яроқлилик ҳолатини асрар қолиш ва қўллаб-қувватлаш, сувни такрор табиии ишлаб чиқаришдан иборат. Режалаштиришнинг асосини сув ресурси ва уни сарфлаш қисмларидан иборат бўлган сув хўжалиги баланди белгилайди. Баланснинг ресурс қисмида сув ресурсларининг барча тури - дарёларнинг табиии оқими, сув омборларидан олинидиган сув, ср ости сувлари, оқава (қайтарма) сувлар ҳисобга олинади. Баланснинг сарфлаш қисмида истеъмолчилар бўйича

сувга эхтиёж кўрсатилади. Бунда сув оқимларининг йиллар бўйича ўзгарувчанлиги ва унинг зарур ҳажмини экологик, санитария-гигиена талаблари учун, гидро-энергетика, транспорт, балиқ хўжалиги эхтиёжлари учун сақлаб қолиш кўрсатилади. Сув хўжалиги баланси сув ҳавзалари бўйича сувнинг старлилиги ёки стишмаслигини аниқлашга, ҳалқ хўжалигининг сувга эхтиёжини тъминлаш тадбирларини белгилаш имконини беради. Режакда сувдан рационал фойдаланиш, уни истеъмолчилар ўртасида илмий асосланган ҳолда тақсимлаш кўрсатилиши керак.

Сув бўйича стратегик режалаштирища қуидагилар ҳар томонлама ҳисобга олиниши керак. Бошقا табиий ресурсларга нисбатан сувдан рационал фойдаланиш муаммоси юят кескинлиги билан ажralиб туради. Ифлосланнишнинг миқёслари ва кўплиги бўйича сув ресурслари салбий антропоген тъисирга энг кўп учраган ресурсdir. Бунинг сабаблари қуидагилар ҳисобланади: 1) сувнинг алоҳида физик ҳусусиятга эгалиги: унинг суюқ ҳолати, оқиши, турли моддаларнинг эритувчанлиги ва бошқалар; 2) хўжаликда фойдаланилган ва ифлосланган сувлар, одатда, сув ҳавзаларига қайтадан оқизилади, заарли чиқиндилар турли йўллар билан сувни ифлослантиради; 3) сув ер каби энг кўп истеъмол қилинадиган табиий ресурсdir. Сув кўп миқдорда иқтисодистнинг турли тармоқлари (қишлоқ хўжалиги, металургия, кимё, цеплюзоза-қофоз саноати, энергетика, ижтимоий соҳа тармоқлари) томонидан истеъмол қилинади. Оқибатда сувнинг сифати ва миқдор камайиши реал хавф-хатарга айланди.

Сув ресурсларини стратегик режалаштиришнинг энг муҳим кўрсаткичларига қуидагилар киради:

- мамлақат ва унинг минтақалари бўйича мавжуд сув ресурсларининг ҳажми;
- сув истеъмолии ҳажми;
- сув ҳавзаларига ташлаб юборилаётган ифлосланган сув ҳажми;
- тозалangan сув ҳажми;
- сув манбалари ҳолатининг сифат кўрсаткичлари динамикаси ва бошқалар.

Режалаштириш ҳисоблари, тадбирларни асослаб бериш учун норматив-омиллар, иқтисодий-математик, баланс усулларидан кенг фойдаланилади.

Ҳисобларни иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларнинг сув ресурсларига эхтиёжини асослаб беришдан бошлаш мақсадга мувоғиқ. Бу кўрсаткичлар миқдорига моддий ишлаб чиқариш тармоқларида, ижтимоий соҳаларда хўжалик фаолиятининг миқёслари, аҳоли сони ва бошқалар таъсир кўрсатади. Режалашти-

риш ҳисобларида, шунингдек, мукаммаллашган техника ва технология, айланма сув таъминоти тизимидан фойдаланишни жорий этиш ҳисобига сув истеъмолии камайиши эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш керак.

Сув сарфини камайтириш имкониятларини аниқлаш ва мавжуд захиралардан фойдаланишнинг долзарбилиги шу билан белгиланади, Узбекистонда сувдан фойдаланишда нормативларга нисбатан кўп сув истеъмол қўлиш кенг тарқалган. Сув ресурсларига эҳтиёж ер усти (дарё) ва ер ости сувлари захиралари ҳисобига таъминланади. Стратегик режаларни ишлаб чиқиша сув истеъмолининг бу икки манба сув ресурсларидан фойдаланиш алоҳида белгиланади. Сув истеъмолининг барча омиллари аниқланаб, ҳисобга олингандан кейин истиқболда сув истеъмолининг рационал мөъёрлари миқдори асосланади. Иктисолидёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар учун сув сарфининг технологик месъёрлари ва аҳоли жон бошига сув истеъмолии месъёрлари белгиланади. Стратегик режада халқ хўжалиги тармоқларида сув истеъмолии ҳажми башоратлари кўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$B_n = \sum H_{1,\dots,n} \times X_{1,\dots,n}$$

Бунда:  $B_n$  – иктисолидёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада сув истеъмолий ҳажми башоратлари;

$H_{1,\dots,n}$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот, хизмат бирлиги учун сув истеъмолининг технологик месъёри;

$X_{1,\dots,n}$  – халқ хўжалиги тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат ҳажмининг башоратлари;

н – ҳисобларда ҳисобга олинаётган тармоқлар сони.

Аҳолининг сувга эҳтиёжлари башорати аҳоли жон бошига сув истеъмолии месъёрини башорат қилинаётган аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаб чиқилади. Бунда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сув истеъмолии алоҳида ҳисобланади, чунки аҳоли жон бошига сув истеъмолии шаҳарларда қишлоққа нисбатан анча кўпроқдир.

Ер усти сувлари ҳисобларида сув тозалаш иншиотларининг ишлаши натижалари, ер ости сувлари ҳисобларида эса геология-разведка ташкилотларининг ер ости сувларини қидириш, разведка қилиш фаoliyati натижалари ҳисобга олинади.

Мавжуд сув ресурслари ҳажми ва уларга эҳтиёжлар башорати ҳисобларидан кейин мамлакат ва унинг минтақалари бўйича сув баланслари башоратлари ишлаб чиқилади. Ушбу балансларда сув истеъмолии, сув сифати ва миқдори таърифининг ди-

намикаси, мавжуд сув ҳажми ва унинг истесьмол нисбати акс эттирилади, мамлакатда ва минтақаларда стишмаслиги аниқлади. Бу ахборот стратегик режалаштиришга асос бўлади ва улардан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши, уларнинг мамлакат ҳудудида жойлашиши, аҳоли миграцияси башоратлари ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалиги ва тармоқларда сув истесьмолии мсьёрлари ва ишлаб чиқариш ҳажми ёки сув истесьмолчилари сони (масалан, аҳоли сони) асосида ҳисобланади. Стратегик режалаштиришда сувдан қайта (айланма) фойдаланиш, сугориши мақсадларида сув истесьмолии ҳисобларида эса сугориш тизимларида режалаштирилаётган тадбирлар (прогресив сугориш усувларини кўллаш ва бошқалар) ҳисобга олинади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза этишини стратегик режалаштириш барча чоралар билан ҳавонинг ифлосланишини камайтиришга йўналтирилган, яъни ҳавога чиқарилайтган газ ва чангларда мавжуд бўлган зарарли моддаларни ушлаб қолиш ва зарареизлантириш орқали микдорини камайтиришга эришиш асосий вазифа ҳисобланади. Бундай зарарли моддалар (органик, ноорганик, радиоактив) рухсат этилган тиббий-санитария мсьёрларидан (ПДК, ПДВ) ортиқ бўлмаслиги керак. Режалаштирилаётган тадбирлар бир томондан, технологик жараёсларни қайта куриб, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш, бошқа томондан, ҳавога чиқариладиган газ ва чангни ушлаб қолишга йўналтирилиши лозим. Атмосферага зарарли моддаларни чиқарувчи барча корхоналарни режа асосида тегишли аппаратура ва технологиялар билан жиҳозлаш зарур.

Режалаштиришда ушлаб қолинаётган газ ва чангларда қимматли компонентлар (метал, камёб элементлар ва бошқалар) борлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу моддаларни ажратиб олиш газларни ушлаб қолиш харажатларини сезиларли дарражада камайтириш имконини беради. Шунингдек, сифатли ёқилғи ва янги турдаги энергетика ресурсларини (иккиламчи ресурсларни ҳам қўшиб) кўллаш, ёқилғини ёки ва ёқилғидан энергия-технология йўналишида фойдаланиш, ушлаб қолувчи қурилмаларни такомиллаштириш, чиқиндиларни кўмиш орқали зарарли моддаларнинг ажралиб чиқишини камайтириш, шовқин ва вибрацияларга қарши кўрашиши каби тадбирларни режалаштириш энг самарали йўналишлар қаторига киради.

Стратегик режалаштиришда ўрмонлар муҳофазаси, ўсимлик ва ҳайвонат оламини асраш ва муҳофазалаш, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ташкил этишга катта эътибор берилади.

Мамлакат учун ср ости бойликлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар иқтисодиёт ва унинг барча тармоқлари асосини ташкил этади. Истеъмол ҳарактерига кўра, ср ости ресурслари уч гурухга бўлинади: 1) энергетика ресурслари (нефть, табиий газ, кўмир, сланец в.б.); 2) минерал ресурслар (қора ва рангли метал рудалари); 3) рудасиз хомашё. Узбекистон бундай ресурсларга бой мамлакатлар қаторига киради.

Ер ости бойликларини стратегик режалаштиришнинг асосий кўрсаткичларига қўйидагилар киради: ҳар бир турдаги фойдали қазилмаларниң захиралари ҳажми, фойдали қазилмаларга эҳтиёж (талаоб), ср ости бойликларининг сифати, ср ости бойликларидан фойдаланиш ва бошқалар. Режалаштирилаётган ресурсларнинг захиралари геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва геология-разведка тармоғи фаолияти натижаларига асосланган аҳборотлар (фойдали қазилмалар давлат ресми, фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ва б.) асосида белгиланади. Ресурсларга эҳтиёжлар истеъмолчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш дастурларига ва уларда белгиланган маҳсулот бирлигига сарфланадиган фойдали қазилмалар месъёрларига асосланни аниqlанади.

Ер ости бойликлари ресурсларидан рационал фойдаланишнинг асосий кўрсаткичлари қўйидагилар: ср остидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш коэффициенти, қазиб олинган хомашёдан фойдали компонентларни ажратиб олиш коэффициенти, ср ости ресурсларидан мажмуа фойдаланиш коэффициенти ва б.

Ер остидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш коэффициенти қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_e = \frac{X_o}{X_m}$$

Бунда:  $K_e$  - ср остидан қазиб олинган фойдали қазилма коэффициенти;

$X_o$  - қазиб олинган фойдали қазилма ҳажми;

$X_m$  - ср ости ресурслари ҳажми.

Қазиб олинган хомашёдан фойдали компонентларни ажратиб олиш коэффициенти қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_{kaz} = \frac{O_{kaz}}{O_{mik}}$$

Бунда:  $K_{kaz}$  қазиб олинган хомашёнинг фойдали компонентлари;

$O_{\text{қаз}}$  қазиб олинган хомашёдан фойдали компонентларни олиш;

$O_{\text{мик}}$  қазиб олинган хомашёда фойдали компонентлар миқдори.

Ер ости ресурсларидан мажмууали фойдаланиш коэффициенти күйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_{\text{ко.н}} = \frac{M_{\text{каз}}}{M_{\text{мик}}}$$

Бунда  $K_{\text{ко.н}}$  - ер ости бойликлари ресурсларидан мажмууали фойдаланиш коэффициенти;

$M_{\text{каз}}$  - қазиб олинган хомашёдан олинган фойдали компонентлар миқдори;

$M_{\text{мик}}$  - қазиб олинган хомашёда бор бўлган фойдали компонентлар миқдори.

## Қисқача холосалар

Табиат компоненти ресурсларидан фойдаланишини стратегик режалаштириш ер, сув, ҳаво, ўсимлик, ҳайвонот олами, минерал ҳомашё ресурсларининг табиий ресурс потенциали (салоҳияти), уларниң ўзгариш тенденцияларини баҳолашга асосланиб амалга оширилади.

Стратегик режалаштиришда компонентлардан аҳоли пунктларини жойлаштиришда, ҳалиқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришда фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари мажмуали ҳисобга олинади.

Табиат компонентларини стратегик режалаштириш тадбирлари қўйидаги тўртта йўналишда амалга оширилади: 1) табиат компонентлари ресурсларидан рационал фойдаланиш; 2) табиат компонентларига хўжалик тармоқлари ва аҳоли пунктларининг салбий таъсирини камайтириш тадбирлари; 3) аҳоли пунктларининг табиатини согломлаштириш ва муҳофазалаш тадбирлари; 4) носб табиий объектлар, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофазалаш, кўриқхоналар, буортмалар, табиий боғлар барпо этиш тадбирлари. Бу тадбирларни режалаштиришда ҳар бир компонентга хос кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалашни стратегик режалаштиришда сенинг чекланганлиги, унинг энг кўп истеъмол қилинадиган ресурслиги, ер фондини асраш ва муҳофазалаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва бошқалар ҳар томонлама ҳисобга олинади.

Сув ресурсларидан рационал фойдаланиш ва уларни муҳофазалашни стратегик режалаштиришда сувга эҳтиёж, унинг сифатини асраш, сувни тежаш ва тақрор табиий ишлаб чиқариш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофазалашни стратегик режалаштиришда асосий эътибор ҳавонинг ифлосланишини камайтиришга қаратилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашни стратегик режалаштириш қўйидаги кўрсаткичларга асосланиб амалга оширилади: фойдали қазилмаларнинг турлари бўйича захиралари, уларга талаб (эҳтиёж), ер ости бойликларининг сифати, улардан фойдаланиш ва муҳофазалашнинг асосий йўналишлари.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Табиат компонентларини стратегик режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини нималар белгилайди?
2. Табиат компонентларини стратегик режалаштириш учун мухим бўлган тадбирлар қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Ердан фойдаланишини ва уни муҳофазалашни стратегик режалаштиришнинг хусусиятлари ва кўрсаткичларини таърифланг.
4. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофазалашни стратегик режалаштиришнинг хусусиятлари ва кўрсаткичларини тушунтиринг.
5. Атмосфера ҳавосини стратегик режалаштиришнинг ўзига хослигини таърифланг.
6. Ер ости бойликларини стратегик режалаштиришнинг хусусиятларини тушунтиринг.
7. Ер остидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш коэффициенти қандай формула билан ҳисобланади?
8. Қазиб олинган хомашёдан фойдали компонентларни олиш коэффициенти қандай формула билан ҳисобланади?
9. Ер ости ресурсларидан мажмуали фойдаланиш коэффициенти қандай формула билан ҳисобланади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфизиликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мұхитни муҳофaza қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. -Т., 2002.
4. Атроф-мұхитни муҳофaza қилиш миллий ҳаракат ресжаси. Т. 1998.
5. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. -Т., 2002.
6. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
7. Реймерс Н.Ф. Экология (теория, закони, правила, принципы и гипотезы). -М.: Интерпракс, 1995.
8. Стратегическое планирование. Под ред. Э.А. Уткина. Учебник. -М. 1998.
9. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интерпракс, 1995.

## VI боб

### ЛАНДШАФТНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

#### 6.1. Ландшафт түғрисида түшүнчө ва унинг асосий хусусиятлари

«Ландшафт» түшүлгөсөн немисча сўздан олипган бўлиб, «ер маизараси» ёки «жой маизараси» (кўришиши) маъносини билдиради. Ландшафт генетик (келиб чиқиши) жиҳатидан бир хил табиий худудий мажмуалардир. У рельеф (уни шакллантирувчи жинслар билан), тупроқ, иқлим, сув, тирик организмларнинг нисбаталлиги ва боғлиқлиги билан характерланади ва инсон таъсири остида бўлади. Бошқача айтганда, ландшафт табиий-худудий мажмуалардир.

Ландшафтлар ер устида реал мавжуд бўлган ва мустақил шаклланган табиий бирликлардир. Улар бир-бирларида сифат жиҳатдан фарқ қиласди. Ҳар қандай ландшафт катор компонентлардан ва улар ўртасидаги ўзаро алоқалардан ташкил топади. Ершиг геологик тузилмаси, рельеф (ер усти тузилиши), иқлим, тупроқ, сув ва бошқа табиат компонентлари (ўсимлик, ҳайвонат олами ва бошқалар) конкрет ландшафттигинг шакллантишида иштирок этади ва ландшафт шакллантирувчи омилларга киради ва улар турли типдаги тизимларни ифодалайди. Ҳар бир ландшафт объектив мавжуд табиий бирлик сифатида ландшафтти шакллантирувчи табиий компонентлар ўртасидаги тўғри ва тескари ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсиirlар хосил қиласдиган ўзишиг ишдивидуал ташки қиёфасига ва ички тузилмасига, ер устидаги конкрет ўрнига ва чегараларига, масса ва энергетика баласи нисбатлари ўзгаришлари билан белгиланадиган маконида ва вақт мобайнида ривожланиш бўйича ўзгаришларга эга бўлади.

Ландшафтлар маълум табиий-худудий мажмуалар сифатида ишдивидуал ва типологик нуқтаи назардан ўрганилади. Бу шунин билдирадики, фан ва амалиёт учун, масалан, қышлок хўжалиги учун, ҳар бир ландшафт ўзига хос ишдивидуал ва такрорлацимас хусусиятларига кўра, маълум қизиқиш уйғотади (Масалан, Ўзбекистоннинг чўллари (саҳолари), тоғлари, антропоген – текислик (сугориладиган) воҳа ландшафтлари). Айни пайтда турли ландшафтларда такрорланувчи умумий (типологик) белгилар ва ўхшашликларни ҳам топиш мухимдир. Бу шунинг учун зарурки, ҳаддан ташқари хилма-хилликни маълум классификация тушунчалари – класс, тип, тур ва бошқалар асосида бирлаштиришга имкон беради.

Типологик тушунишга кўра, ландшафт маълум характерга

әга бўлган иисбатан бир хил ҳудуд ёки жойдир. Масалан, чўл (саҳро) типидаги ландшафт ва унинг кичик типлари (кумли, тупрокли (гилли, сертупроқ), тошли чўллар ва бошқалар), қумли чўллар (ўсимликсиз бархан, ўсимликлар билан мустаҳкамланган наст-баланд дўйглик, тепалик чўллар ва бошқалар) тўғрисида ганириш мумкин. Шунингдек, субтропик зона, мўътадил зона, улар орасидаги ўткинчи субтропик-мўътадил агротропоген ландшафтлар, наст тоғ (адир), ўрта баландлиқдаги тоғ, баланд тоғ ландшафтлари ва ularиниг типлари ҳам ўзига хос типологик хусусиятларга эга. Типологик ёндашувда унинг иисбатан оддий табиат комплекслари – ландшафттиниг конкрет типидан иборат бўлган ландшафт қисмларини тадқиқ қилиш ва таърифлаш етакчи ўринни ҳгаллади. Ландшафтни типологик ахамиятига кўра, унинг тарқалиш чегараларидан қатъиназар, тузилиши ва хусусиятларига кўра ўрганишиди ва шу асосда тушишишади. Типологик бирликлар билан белгиланган ёки бошқа ландшафт даражаси ареаллари турли амалий мақсадлар учун, шу жумладан, стратегик режалаштириш, қишлоқ хўжалиги учун хариталаштириш обьекти бўлиб хизмат қиласди.

Хар қандай ландшафт маконда ва вақт мобайнида ўзгарди ва ўз тузилемасига эга бўлади. Бундай ўзгаришлар даврий, цикличик, ритмлик бўлиши мумкин. Даврий ўзгаришларга, масалан, йирик дарё қайирлари ландшафтлариниг айлан бир даврда содир бўладиган сув босишлари киради. Бунда тахминан маълум бир төнг вақт мобайнида содир бўладиган жараёйлар ландшафттиниг ривожланиши даврийлигини белгилайди. Маълум табиий ландшафт ҳолатининг даврий ўзгаришлари вақтнинг ҳар қандай оралиғида ландшафттиниг айлан ўхшаш ҳолатига қайтиши билан характерланаади. Масалан, ландшафттиниг у ёки бошқа ўсимлик қопламлариниг табиий тикланиши булига мисол бўлади. Ландшафтлар тузилемасида ритмлик ўзгаришлар асосан улариниг компонентлари ва умуман, морфологик қисмлариниг (фация ва ареаллар) турли вақт оралиғида сифат кўришини ўзгаришларига тааллуқли бўлади. Булар, айниқса, табиатда содир бўладиган турли жараёйлар орқали (масалан, селлар, кўчки, сув эрозияси, зилзилалар) яққол намоён бўлади ва улар катта ер майдонларида ландшафттиниг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборади.

Ландшафтлар умуман, стабил (турғул) ҳолатга ҳаракат қиласидиган, ўз-ўзини тартибга соладиган тизимлар ҳисобланади. Бу жараёйлар ландшафтда турли алоқалариниг мавжудлиги орқали амалга ошади. Бундай алоқаларда тўғри ва тескари (акс) алоқалар устуцликка эга бўлиб, улар ландшафт тузилемасида стабил (турғул) ёки унга яқин ҳолатини оддий ўз-ўзини тартибга сабаблиш орқали таъминлайди. Маълум ландшафттиниг ташқи сабаб-

лар, шу жумладан, иисон хұжалик фаолияти таъсирида бир ҳолатдан (мувозанатлашган) бошқасига (яғи мувозапат) үтиш вакти күп омиллар ва сабаблар билән белгиланади. Буларга, ма-салалы, ландшафт мажмуаси компонентларининг ўз массаси (мод-далар) энергиясими сақлаб қолиши қобилияти турли таъсиrlарга барқарорлығи даражаси, содир бўлаётган жараёшлар ва ҳодиса-ларининг миқёслари ва бошқалар киради.

Ландшафт – типологик мажмуалар стабиллiği (динамик-лиги) бўйича барқарор, иисбатан барқарор ва сукцессияли (изчил-лиги, кетма-кетлиги) турларга бўллади. Ландшафттиниг барқарор ҳолати деганда, унинг шуңдай стабил мувозанати тушуниладики, унда ландшафттиниг ривожланишида ўтган даврдаги мувозанатни тиклаш тенденциялари устун бўлади. Сезиларли бўлмаган ташки сабаблар таъсирида ландшафттиниг ташки қиёфаси ва тузилмасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлса, бундай ҳолларда ландшафтлар иисбатан барқарор ҳисобланади. Фаол содир бўладиган у ёки бо-шқа жараёшлар давомида ландшафтлар кучли ўзгаришларга учра-са (улариниг ўридида яғи табиий ёки аитропоген ландшафтлар пайдо бўлса, ландшафтлар модификацияси содир бўлса), улар сук-цессияли ўзгариш бўлади, яъни уларнинг ташки ва ички тузилмаси иисбатан тез ўзгариши. Ландшафттиниг сукцессияли ташки ўзгари-ши асосан аитропоген таъсир орқали юз беради. Табиатда ланд-шафт-экологик мувозанатни ўрганиш, айниқса, тоғ тизимларида, ғоят мураккабdir. Шу билан бир қаторда буңдай ўрганиш бирингчи да-ражали муаммолар қаторига киради. Шуни ҳам эсдаи чиқармас-лик керакки, ландшафтлар табиатдан фойдаланишиниг асоси си-фатидаги хўжалик функциясидан ташқари, ландшафтлар ҳаётий функция – одам яшаши мухити функциясиги ҳам бажаради.

Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришда «За-монавий ландшафтшуностик» фани («Табиий география» тармоғи) ютуқлари ва амалиётига асосланиш мухим илмий ва амалий аҳа-миятта эга. Умуман, «Стратегик режалаштириш» фани табиий ўзаро алоқалар ва жараёшлар ривожланишиниг хусусиятлари ва қону-ниятлари, ландшафттиниг тузилиши ва динамикасини (ўзгариши-ни) ҳар томонлама чуқур ҳисобга олишга асосланиши керак. Айниқса аитропоген (маданий) ландшафтларни ўрганиш ва ри-вожланиши ғоят мураккаб вазифадир. Ландшафттиниг аитропоген оғирликка (нагрузкага) барқарорлыги, унинг ҳажми ва охирги имкониятларини билиш бирингчи даражали аҳамият касб этади. Буларни ҳисобга олмаслик у ёки бошқа мигтақа ланд-шафт тизимишиниг тузилиши ва ишлаш мувозанати бузилишига олиб келади. Шу сабабдан ландшафтни стратегик режалашти-риш мамлакат барқарор ривожланиши ва экологик хавфсизли-гини таъминлашнииг асосий инструментларидан ҳисобланади.

## 6.2. Ландшафттің стратегик режалаштиришін тақылғандаң шүсесиятлары ва упннг асосий концепциялари

Ландшафттің стратегик режалаштириш орқали табиатдан фойдалапши, уни асраш ва мұхофазалаш мұаммолари ва үларнннг камчылықлары аниклауда барқарор ривожланапшиңннг яғындағанда тавсия этилади. У ландшафт-экологик принципларында асосланып ривожланадиган табиатдан фойдалапши ван мұхофаза этишинде башқаришиңннг экологик йұнайтилған ландшафтты шактлаптириш ва ривожлантиришиңннг мұхим инструментларидан бири ҳисобланади. Ландшафттің стратегик режалаштиришінде барча ҳудудий даражаларда экологик мезонлар ва баҳолаш ҳисобга олиниши ван амалиёттә күллапилиши керак. Үмуман, ландшафттің экологик режалаштириш ҳамма томонлама түрі амалға оширилса, мамлакат барқарор ривожланапшиңннг ташаббускори ва мотори бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар, биринчи павбатда Европа мамлакатларинннг ландшафттің стратегик режалаштириш бўйича ибратли тажрибалари уни күйидагича тарьифлашга асос бўлади: «Ландшафттің стратегик режалаштириш» тушулғаси, бирингчидан, усулик инструментлар мағжумаси, иккигчидан, коммуникатив (хизмат қиладиган) жараёндир. Усулик инструментлар мағжумаси жамият фаолияттің конкрет ландшафтларда ҳудудий тақылғандаң орқали табиатдан барқарор фойдалапши, ландшафттіңннг яшашиң күллаб-қувватловчи тизим сифатидаги асосий функцияларын сақлаб қолиш учун хизмат қилади. Коммуникатив жараён сифатидан ландшафттің режалаштириш эса унга режалаштирилаётган ҳудудларда табиатдан фойдалапши ва уни мұхофаза қилишга алоқадор бўлган барча субъектларни жалб этади ва үларнннг машфаатлары ван мұаммоларине аниклаш, іозага келган зиддиятларни бартараф этиш, мувофиқлаштирилган ҳаракатлар ва тадбирлар режаларини ишлаб чиқишиң таъминлайди.

Үмуман, ландшафттің стратегик режалаштириш барча даражада баҳолаш, режалаштириш ишларинннг қоңда ван күрсаткічлары бир-бираига зид келмаслиги, лекин бир-бираин түлдиришиңннг таъминлашга йұнайтиллади. Ландшафттің стратегик режалаштириш тизимини шактлаптиришда күйидаги тақылған вазифалар бажарилши керак: 1) ландшафттің режалаштиришиңннг табиатдан фойдалапши бўйича бошқа йұнайтилар ван миңтакаўий экологик таҳдил ван үмумий ҳудудий режалаштириш тизимиңдаги ўринине аниклаш. Буңда ландшафттің стратегик режалаштириш процедурасини табиатин мұхофаза қилиш чизмалари, шаҳарсозлик чизмалари, ер тузиш лойиҳалари ван бошқа йұнайтиларни тузиш принциплари ва усуллари билан мувофиқлаштириш талаб

килипади; 2) ландшафт режаларини түзиш учун дастлабки ахборотларни түплаш ва тайёрлаш. Буларга иқтисодий-статистик, экологик, картографик ва бошқа ахборотлар киради. Шу асосда иштисослашған геоахборот тизимлари технологиясииң күллаш ва уларниң тизимини барпо этиш мақсадга мувофиқ; 3) ландшафтни стратегик режалаштириш бўйича мутахассислар тайёрлаш; 4) ландшафтини стратегик режалаштиришиниң нормативларини ишлаб чиқиш ва уларниң тизимини барпо этиш.

Ландшафтни стратегик режалаштириши ташкил этиш қўйидаги асосий концепцияларга асосланади:

- ландшафтни стратегик режалаштириш, албатта, табиатдан рационал фойдаланиш имкониятларини аниқлаши, зиддиятларини бартараф этиши, оптимал вариантларни тавсия этиши лозим;
- ландшафтни стратегик режалаштиришиниң энг муҳим устувор йўналиши табиатниң ўз-ўзини тартибга солиши ва тақрор ишлаб чиқариши механизмидаи максимал фойдаланиш ва уларни ривожлайдиган бўлиши керак;
- ландшафтни стратегик режалаштиришини амалга оширишиниң худудий рамкалари (доираси) ва муддатларини беғилашда Ўзбекистонниң макромилтақавий хусусиятларини чўл (саҳро), айтропоген (сугориладиган) текислик, тоб ландшафтлари хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, улардан интеграция асосида оқилиона фойдаланишини назарда тутиши ва керак томонга тез ўзгара оладиган бўлиши лозим.

### 6.3. Ландшафтни стратегик режалаштириш босқичлари ва уларниң мазмуни

Ландшафтни стратегик режалаштириш бир томондан, обьектни режалаштириш ишларини бевосита амалга ошириш, бошқа томондан, режалаштиришиниң ижтимоий-экологик функциясини амалга ошириш билан боғлиқдир. Объектни режалаштириш ишларини бевосита амалга оширишга обьектни таърифлаш, баҳолаш, ҳаракат мақсадлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш тадбирлари киради. Режалаштиришиниң ижтимоий-экологик функциясини амалга ошириш унга алоқадор бўлган ташкилотлар, мутахассис режалаштирувчилар, турли институтлар, айрим маслаҳатчиларни жалб этиш, жамоатчиликни хабардор қилиш тадбирларини ўз ичига олади. Бу жараёпларда асосий ўринни режаларни түзиш ва унинг таклифларини амалга ошириш эталандайди.

Ландшафтни стратегик режалаштириши ландшафтни ишон яшайдиган, меҳнат қиласидиган, дам оладиган макон сифатида комплекс таҳлил этади. Мамлакат бўйича табиат муҳофазаси ва лан-


дшафтни парваришилаш дастурлари тузилади. Режалаштириш мамлакат худудларида турли миқёслар (масштаблар) даражасида қоидатариқасида, ландшафт дастурлари талабарини деталлаштириш (апикаш) асосида тегишли маъмурий-худудий бўлишишлар (тумани, вилоят) бўйича амалга оширилади. Туман ва вилоятлар бўйича ландшафтниг рамка режалари тузилади. Туманиларга кирадиган бирликлар (корхоналар, ташкитотлар, худудлар) бўйича ландшафт режалари (ва қўкаламлаштириш режалари) тузилади. Табият муҳофазаси тўғрисидаги қоғуи талабларига асосланганда ландшафтни стратегик режалаштириш талаблари муқаррар амалга оширилиши керак.

Ландшафтни стратегик режалаштириш табиатдан фойдаланиш ва уни мухофазалашни экологик йўналтирилган барқарор ривожланиши амалга оширишнинг асоси ҳисобланади. Шу муносабат билан унинг олдида қўйидаги вазифалар туради:

- мамлакат минтақалари бўйича экологик йўналтирилган ландшафт режаларини тузиш ва уларни амалга ошириш;
- экологик йўл қўйилиши мумкин бўлган оғирликий ҳисобга олиб, минтақаларпинг барқарор ривожланиши имкониятларипи (потенциалини) апиқлаш;
- режалар таклиф ва тавсияларини амалга ошириш учун функционал самарали бошқарув ва норматив базани яратиш;
- аҳолини ландшафтни экологик режалаштириш тадбирларини амалга оширишга ва экологик асосланган ташаббусларга жалб этиш.

Ландшафтни стратегик режалаштириш қўйидаги бешта асосий босқичдан иборат бўлади:

1. Извеигтаизация босқичи. Буида худуд табиати, ижтимоий-иктисодий шароити ва имкониятлари, ландшафтдан фойдаланиши хусусиятлари, мавжуд экологик муаммо тўғрисидаги барча ахборот тўпланаши ва умумлаштирилади.
  2. Режалаштирилаётган худуд табиий шароити ва ресурс имкониятларини ва улардан фойдаланишини баҳолаш.
  3. Айрим табиат компонентлари ресурсларидаи фойдаланишипинг мақсадли тармоқ концепцияларини ишлаб чиқиши.
  4. Худуддан фойдаланишипинг интеграл мақсадли концепцияларини ишлаб чиқиши.
  5. Ҳаракат ва тадбирларнинг асосий йўналишлари дастурини ишлаб чиқиши.
- Ландшафтни стратегик режалаштиришнинг бу босқичлари 3-чизмада мукаммалроқ берилган.



**З-чиisma. Ландшафттың стратегик режалаштырылышының босқычлары үларының мазмұны**

#### **6.4. Ландшафтни стратегик режалаштириш ва ландшафт дастурларининг ўзаро боғлиқлиги**

Ландшафт дастурлари ландшафтни стратегик режалаштириш исерархиясининг юқори даражасида туради. Уларнинг ландшафтни стратегик режалаштиришдан асосий фарқи шундаки, ландшафт дастурида барча режалаштириш худуди асосий функционал (мақсадли) зоналарга бўлинади. Бундай функционал зоналар стратегик режалаштиришининг мақсади, биринчи навбатда, табиат муҳофазаси вазифаларига кўра ва худудларининг табиий-худудий тузилиши ва хўжаликда ўзлаштирилиши даражаси, табиатдан фойдаланиш арсаллари муаммоларини ҳисобга олиб ажратилади.

Мутахассислар қўйидаги функционал ландшафт зоналарини ажратишни тавсия этадилар:

А зонаси – алоҳида муҳофазага муҳтож арсалларни сақлаб қолиши ва асрashi. Асосий мақсад табиий ёки табиийтга яқин экотизимларни ўзаро боғлиқ арсалларини асрashi, сақлаб қолишидан иборат; бу арсаллар биологик турлар ва биоценозларни муҳофаза қилишда юқори ёки жуда юқори аҳамиятта эга; бу зонада табиатдан ҳар қандай фойдаланиш (экстенсив йўналиш ҳам) тавсия этилмайди

Б зонаси – экстенсив фойдаланиладиган арсалларни сақлаб қолиши ва асрashi. Асосий мақсад ландшафтни ёки экстенсив фойдаланиладиган арсалларини сақлаб қолиши ва асрashi ҳисобланади. Буларга тоғлардаги ўрмонзор арсаллари, табиий экотизимларга яқин ёки экстенсив фойдаланиладиган маданий экотизимлар, маданий-тарихий ландшафтлар киради. Бу зонада асосан ландшафт компонентларининг «ишчанлигини» сақлаб қолиши керак. Ушбу зона учун характерли бўлган ландшафтлар табиатдан фойдаланишининг экстенсив шаклларини сақлаб қолишига имкон беради. Бу ерда тартибга солиб туриладиган рекреация шаклларини ривожлантириш мумкин. Аҳоли яшаш манзилларининг ривожланиши уларнинг эҳтиёжлари билан чекланиши, инфратузитмани айниқса, транспортни ривожлантиришдан воз кечиш керак.

В зонаси – кўпроқ алоҳида заиф (жуда нозик) арсалларни яхшилаши. Асосий мақсад кўпроқ ландшафт табиий компонентларининг ишчанлигини (ишчанлигини) ва фойдаланиладиган арсалларни улардан фойдаланишининг интенсивигити ёки турини ўзгартириш йўли билан яхшилашга эришишдан иборат. Буларга энг аввало худудлардан фойдаланиш тури ва даражаси йўл қўйиладиган месъёрдан ортиқ бўлган ва сеъзиларли муаммоларининг келиб чиқишига

сабаб бўлган (масалан, ср ости сувлари, тупроқ, ўрмонзор майдонлари муҳофазаси) заиф (жуда нозик) арсаллар киради.

Г зонаси – қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган арсалларда табиат компонентларини сақлаб қолиш. Асосий мақсад қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган арсалларда мавжуд табиий тузилмалар ва экстенсив фойдаланиладиган срларни сақлаб қолиш орқали табиий муҳитнинг ишчанлигини таъминлаш; худудларда яхшилашнинг умумий ва маҳсус мақсадларига эришиш (масалан, ср ости сувлари, тупроқни, ўрмонзор участкаларини муҳофаза қилиш ва бошқалар).

Д зонаси – аҳоли яшаш манзилларида бўш майдонлар ва табиий муҳитни сақлаб қолиш. Асосий мақсад катта аҳоли яшаш манзилларида ва уларнинг атрофларида зарур микдор ва сифатдаги бўш кўкаламзор майдонларни сақлаб қолиш ва янги кўкаламзор майдонларни барпо этиш (дам олиш, заарли моддалар ва шовқинлардан муҳофазалаш).

Е зонаси – интенсив фойдаланиладиган арсалларни яхшилаш. Асосий мақсад – табиат учун хўжалик фаолиятининг зарарли таъсири, шунингдек, табиат муҳофазаси тадбирлари мавжуд вазиятга мос келмаслиги оқибатида одамлар ва табиат учун анча хавфли шароит юзага келган арсалларда заарли таъсирини бартараф этиш ва атроф-муҳитни яхшилашдан иборат.

## 6.5. Ландшафтни стратегик режалаштириш ишларини амалга ошириш

Ландшафтни стратегик режалаштириш натижаларини амалга ошириш аниқ хуқуқий-норматив базага асосланиши керак. Лекин ҳозирга қадар табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштириш ва унинг таркибий қисми ҳисобланган ландшафтни стратегик режалаштириш бўйича, уларни амалга оширишга мўлжалланган маҳсус хуқуқий база ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан ландшфатни стратегик режалаштиришини ишлаб чиқишида, унинг мақсадлари ва усулогиясини аниқлашда қўйидаги қоидаларга асосланиши мумкин:

а) ишлаб чиқиляётган хужжатларда стратегик режалаштиришнинг умумий принциплари, режаларга кўйиладиган талаблар, режа турлари ва уларнинг нисбатлари, режаларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш, уларнинг хуқуқий аҳамияти бўлгиланади;

б) ландшафтни стратегик режалаштириш умумий худудий режалаштириш билан узвий боғланган ва улар кўп даражали исарархик характеристерга эга;

в) ландшафтни стратегик режалаштиришни уч даражага – вилоят, туман, маҳаллий каби турга бўлиш мумкин;

г) вилоят даражасида стратегик ландшафт дастурлари, туманлар даражасида-стратегик ландшафт рамкаси режалари, маҳаллий даражада йирик масштабли стратегик ландшафт режалари ишлаб чиқилиши мумкин;

д) ҳар бир турдаги режаларниң биринчи навбатда мазмунни, масштаби, расмийлаштирилишига қўйиладиган талаблар (матн, харита), ландшафт режаларини тузиш ва амалга ошириш бўйича масъул бошқариш органдари белгиланиши керак.

Ландшафтни стратегик режалаштириш ишларини амалга оширишда режалаштириш обьекти бўйича илмий тадқиқотлар асосий ўринни эгаллайди. Бунда турли ихтисосга эга бўлган мутахассислар жамоаси иш олиб бориши керак. Улар орасида қўйидаги мутахассисларнинг вакиллари бўлиши тавсия этилади: менеджер, бухгалтер, иқтисодчи, хуқуқшунос, эколог-ландшафтшунос, гидролог, ботаник, зоолог, тупроқшунос, худудий ва ландшафтни режалаштириш ва лойиҳалаш бўйича мутахассислар, картограф, тарихчи, социолог, ўрмон ҳўяжалиги, қишлоқ ҳўяжалиги, туризм, коммунал хўяжалик менеджерлари, ўрта маҳсус ва олий таълим мутахассислари.

Ландшафтни стратегик режалаштиришда ноҳукумат ташкилотлари ва маҳаллий жамоатчиликнинг иштироки, экологик таълим-тарбия тизими, режалаштириш талабларини бажариш мониторинги муҳим аҳамиятга эга.

## Қисқача хулосалар

Ландшафттинг табиий-худудий комплекслари ср. устида реал мавжуд бўлган ва мустақил шаклланган табиий бирликлардир. Улар бир-бирларидан сифат жихатидан фарқ қиласди.

Ҳар қандай ландшафт маконда ва вақт мобайнида ўзгарди ва ўз тузилмасига эга бўлади. Бундай ўзгаришлар даврий, ритмлик бўлиши мумкин.

Ландшафтлар турғун ҳолатга қараб ҳаракат қиласдиган, ўз-ўзини тартибга соладиган тизимлардир. Стратегик режалаштириш замонавий ландшафтшунослик ютуқлари ва амалиётига асосланади.

Ландшафтни стратегик режалаштириш орқали табиатдан фойдаланиш, уни асрар ва муҳофазалаш муаммолари ва уларнинг камчиликлари аниқланади ва барқарор ривожланишининг янги йўналишлари тавсия этилади.

Ландшафтни стратегик режалаштиришни ташкил этиш қатор муҳим концепцияларга асосланади: 1) имкониятларни аниқлаш, зиддиятларни бартараф этиш, оптималь варианatlарни тавсия этиш; 2) табиатнинг ўз-ўзини тартибга солиши ва такрор ишлаб чиқариш механизмидан максимал фойдаланиш ва уларни ривожланитиш; 3) макроминтақавий хусусиятларни (чўл, сугориладиган текислик, тоғ) мажмуя ҳисобга олиш ва улардан интеграция асосида оқилона фойдаланиш.

Ландшафтни стратегик режалаштиришнинг асосий босқичлари қўйидагилар: 1) инвентаризация; 2) ресурс имкониятлари ва улардан фойдаланишини баҳолаш; 3) мақсадли тармоқ концепцияларини ишлаб чиқиш; 4) интеграл худудий мақсадли концепцияларни ишлаб чиқиш; 5) харажат ва тадбирларнинг асосий йўналишлари дастурини ишлаб чиқиш.

Ландшафтни стратегик режалаштиришда уни функционал зоналаштириш усулларидан кенг фойдаланилади.

Ландшафтни стратегик режалаштириш ишларини амалга оширишда режалаштириш обьекти бўйича илмий тадқиқотлар асосий ўринни эгалгайди.

Ландшафт бўйича илмий тадқиқотларда турли ихтисосга эга бўлган мутахассислар жамоаси (менеджер, бухгалтер, иқтисодчи, хукуқшунос, эколог, гидролог, картограф, ботаник, тупроқшунос, лойиҳачилар, тарихчи, социолог, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, туризм, коммунал хўжалик менеджерлари ва б.) иш олиб боришлари керак

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ландшафт нима? Уни таърифлаб беринг.
2. Ландшафт қандай хусусиятларга эга? Бу хусусиятларни стратегик режалаштиришда ҳисобга олиш заруратини тушунтиринг.
3. Ландшафтни стратегик режалаштириш нима? У қандай хусусиятларга эга?
4. Ландшафтни стратегик режалаштириш қандай концепцияларга асосланади?
5. Ландшафтни стратегик режалаштириш қандай босқичларга бўлинади?
6. Ландшафтни стратегик режалаштиришнинг бешта босқичини таърифланг.
7. Ландшафт дастури нима? У ландшафтни стратегик режалаштириш тизимида қандай ўринни эгаллайди?
8. Ландшафт қандай функционал зоналарга бўлинади? Уларга таъриф беринг.
9. Ландшафтни стратегик режалаштириш ишларини амалга ошириш йўналишларининг хусусиятларини тушунтиринг.
10. Ландшафтни стратегик режалаштиришда қандай мутахассисликлар вакиллари иштирок этади?

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хўжжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат ресжаси. -Т., 1998.
4. Национальний доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. -Т., 2002.
5. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. -Т., 2002.
6. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интэрпракс, 1995.
7. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. -Т.: Ўқ:тувчи, 1997.
8. Реймерс Н.Ф. Экология (теория, законы, правила, принципы и гипотезы). -М.: Россия молодая, 1994.

## VII боб

### ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

#### 7.1. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг устувор йўналишлари

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш мамлакат барқарор ривожланишини экологик-иқтисодий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади. У аҳолининг яшashi учун қулай экологик шароитлар яратиш, табиий ресурслардан тутаб қолмайдиган тарзда фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқариш, биосферанинг маҳсулдорлик имкониятларини сақлаб қолишининг устувор йўналишларини яқин ва узоқ муддатларга режалаштиради. Бунда атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлиги ва фаолиятига зарарли таъсирини бартараф қилишга қаратилган тадбирларни режалаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўз навбатида давлат томонидан узоқ муддатли стратегик қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Бир қатор экологик муаммолар, чунончи, Орол денгизининг куриб бораётганлиги, ҳавонинг, срости ва ер усти сувъзарининг ифлосланиши, тупроқнинг шўрланиши ва дегредацияга учраши, биологик маҳсулдорлик ва турлар хилма-хиллигининг камайиши, чиқиндиларнинг кўп миқдорда тўпланиб қолиши, маданият ва табиат ёдгорликларининг смирилиши, сув ресурсларининг танқислиги ва чучук сувнинг стишимаслиги, сугоришида сувдан тежамкорлик билан фойдаланмаслик, коммунал хўжалиги ва саноат оқавалари муаммолари ва бошқа кўплаб муаммолар, шунингдек, уларнинг ҳамма жиҳатдан ўзаро мураккаб тарзда чатишиб кетганлиги ва тармоқлараро характерга эга бўлиши табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришни ташкил этишининг илмий-амалий аҳамиятини оширади. Мазкур муаммолар счимини топишга боғлиқ ҳаракатлар ва тадбирларни амалга оширишда стратегик режалаштириш муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан уни табиатни муҳофазалашининг муҳим бўғинига айлантиришни давр талаби деб қараш керак.

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг устувор йўналишлари куйидагилардан таркиб топган кўп босқичли тузиilmaga эга бўлиши мумкин:

- Орол денгизи билан боғлиқ танглик, бўхронни снгиш ва юмшатиш шафт-шароитларини яхшилашни стратегик режалаштириши;

- тармоқлар бүйіч табиатдан фойдаланиш ва табиат мухофазаси йұналишларини стратегик режалаштириш;
- ҳудудларда табиатдан фойдаланиш ва табиат мухофазаси бүйіч стратегик режалаштириш;
- функционал ҳудудий зоналаштириш асосыда ижтимои ҳаёт ва иқтисодиётни экологизациялашни чұқурлаштириши стратегик режалаштириш.

Орол денгизининг қуриёттанлиги ва у билан бөлгік ҳолда экологик ва ижтимои бұхроннинг вужудға келиши табиатдан шафқатсиз фойдаланиш оқибатидир. Қуриёттан дengiz яқинида жойлашған Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида экологик, ижтимои, иқтисодий шароит ёмнлашиб, ақоли саломатлиги ва түрмуш даражасига заарлы таъсир күрсатаётір. Оролнинг салбый таъсирі мамлакатнинг бошқа вилоятларига ҳам тарқалаётір. Шу муносабат билан экологик жиһатдан кескин ҳисобланған ушбу минтақада ўзига хос йұналишда табиатдан фойдаланиш ва табиатни мухофаза қилиши бүйігча стратегик режаларни ишлаб чиқыш ва амалға ошириши лозим. Бундай режаларға күйидагилар киради: маңаллій ақоли яшащ шароитини яхшилаш ва уларға қулай шароитлар яратиши; табиатдан барқарор фойдаланишини экологик жиһатдан таъминлаш; барқарор тармоқ ва минтақавий экологик-иқтисодий ривожланишини таъминлаш; мелиорация бүйігча стратегик режалар ишлаб чиқыш; Орол дengизининг куриган қысмларыда экотизим ва биологик хилма-хилдикни тиеслаш бүйігча стратегик режалар ишлаб чиқыш ва бошқалар.

Тармоқларда табиатдан фойдаланиши ва табиатни мухофаза қилишни стратегик режалаштириш ақолининг яшаши учун қулай шароитлар яратиши (ижтимои соҳа), саноатда табиии ресурслардан рационал фойдаланиши ва саноат корхоналарини экологизациялаштириш, қишлоқ хұжалигыда табиатдан фойдаланишининг барқарорлигини таъминлаш, сувни тежаш ва мухофаза қилиши (сув хұжалиғи), коммунал хұжалиғи (шаҳар конализацияси, шаҳар чиқындилари ва оқава сувлар) муаммолари хал қилинишини таъминлашга асos бўлади. Барча йұналишларда аниқ мақсадга қаратилған экологик тадбирлар ва харарат режалари тузылиши керак. Масалан, ижтимои соҳада табиии ресурслардан фойдаланишининг асосий йұналишлари қаторига ичимлик суви билан таъминлаш (сув таъминотини яхшилаш, сувни тежаш, ичимлик суви манбаларини мухофазалаш ва бошқалар), санитария ва майший оқава сувларни тозалаш, шаҳар чиқындиларини зарарсизләнтириш ва йўқотиш ва бошқа муаммолар счимини топиш бўйича режалаштириш киради.

Саноат тармоқларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиат муҳофазасини стратегик режалаштиришда оқава сувлар, саноат ва төр-кон чиқиндилиари, айниқса, заҳарли саноат чиқиндилиари, атмосферага заарли моддалар чиқариб ташлаш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши, автотранспорт томонидан чиқарилаётган заарли газ қолдиқлари, радиациядан ифлосланиш ва бошқа күплаб муаммолар счимини топиши талаб қилинади. Ушбу йўналишларда анча илгор ва тоза технологияларни жорий этиш, хомащенинг нобуд бўлиши ва чиқиндилиар чиқишини қисқартириш, ифлосланишнинг олдини олиш ва уни камайтириш, ёқилғи сифатини яхшилаш каби экологизациялаш тадбирларини режалаштиришда ҳар томонлама ҳисобга олиш мухим аҳамиятта эга.

Қишлоқ хўжалигида табиатдан фойдаланиш барқарорлигини таъминлашни стратегик режалаштиришнинг устувор йўналишларига қўйидагилар киради: қишлоқ хўжалигини қайта тузиш; қишлоқ хўжалиги срларидан фойдаланишни яхшилаш; яйловлардан рационал фойдаланиш ва бошқалар. Сув хўжалагини стратегик режалаштириш сувни тежаш ва муҳофаза қилиш, сув, ер, шўрланишни мажмуали режалаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Коммунал хўжалигининг табиат муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларини стратегик режалаштиришда эса маиший санитария чиқиндилиари ва оқава сувларини зарарсизлантириш, шаҳар ва қишлоқ канализацияси ва оқава сувларни тозалаш, шаҳар чиқиндилиарини зарарсизлантириш ва йўқотиш биринчи навбатда турган вазифалар қаторига киради.

Худудларда табиатдан фойдаланиши ва табиатни муҳофазалашни стратегик режалаштириш Ўзбекистон Республикасининг бутун худуди ва униг минтақавий қисмлари вилоят, туманларни ривожлантиришни режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бунда аниқ мақсадга қаратилган стратегик режалалар ресурсларни тежаш ва экологик вазиятни яхшилаш борасида макроиктисодий ва тармоқ, худудий сиёsat томонидан рагбатлантирилаётган чора-тадбирларга мос бўлиши, табиатдан рационал фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишини режалаштиришнинг концепциялари ва принципларига асосланиши ва минтақаларнинг ўзига хос табиий ресурс салоҳияти, уларнинг ҳамда давлатнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Бу масалалар иқтисодий исплоҳотлар ва айниқса, хусусийлаштириш жараённида мамлакатни ривожлантиришнинг кун тартибида турган масалалар билан бевосита боғлиқидир. Табиатдан фойдаланиш ва уни му-

ҳофазалашнинг миңтақавий стратегик режалари аниқ мақсадга қаратилган, самарали ва маъмурий-худудий жиҳатдан амалга оширса бўладиган мазмун ва йўналишда ва экология сифати стандартларига асосланиб тузилиши лозим. Бунда бозор эркинлашувини амалга ошириш, рақобатни рағбатлантириш ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича давлат сиссатига асослашиш ва унинг воситаларидан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Функционал-худудий зоналаштириш табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалашни стратегик режалаштиришнинг функционал мақсадларини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. У стратегик режалаштиришда зоналар бўйича худудларнинг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш мақсадларини амалга оширишнинг ўзига хос йўналишлари ва чеклашларини белгилаш имконини беради. Шу мақсадда худудларни қўйидагича зоналаштириш мумкин:

- аҳоли пунктлари зоналари;
- хўжалик зоналари;
- рекреация зоналари;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган зоналар;
- сувни муҳофаза қилиш ва соҳиблўйи минтақаси зоналари;
- маҳсус мақсадларга мўлжалланган зоналар.

## 7.2. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг бошқарув тизимидағи ўрни ва уни такомиллаштириш

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилинши стратегик режалаштириш бутун халиқ хўжалигини ислоҳ қилишининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Республика фуқароларининг яшаши учун соғлом шароит вужудга келтириш ва табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш стратегик режалаштиришнинг асосий мақсади ва вазифаси каторига киради. Республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, у муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Ҳозирги вақтга қадар табиатдан фойдаланувчиларнинг муносабатларйни тартибга соладиган ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз фаолият мезонларини белгилайдиган 80 дан ортиқ қонунлар ва шу қонунлар асосидаги ҳужжатлар қабул қилинган.

Бу қонун ҳужжатлари орасида табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш учун 2002 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодексси» алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қонунда шаҳарсозлик фаолияти объектлари (12-модда) қўйидагича белгиланган: «Ўзбекистон Республи-

касининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳоли пунктларининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳолини жойлаштириш умумдавлат ва минтақавий тизимлари, ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик ва ландшафт мажмуалари, рекреацион ва ишлаб чиқариш зоналари, маданий мерос объектлари ва уларнинг муҳофаза зоналари, аҳоли пункти чегараларидаги ва аҳоли пунктлараро ҳудудлардаги акваториялар, муҳандислик ва коммуникациялари шаҳарсозлик фаолиятининг объектидир. Шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади».

Бу кодекс шаҳарсозлик режалари тизимларини ва ресал ҳужжатлари номларини тартибга солади. Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу кодекс Ўзбекистонда ҳудудий ривожланиши режалаштириш масалаларини тартибга соладиган асосий қонун ҳужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» (1998й) ҳам табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштиришда муҳим аҳамията эга бўлган қонун ҳужжатлари қаторига киради. Унда ердан рационал фойдаланиши ва уни муҳофазалашга кенг позициядан ёндашилган бўлиб, ушбу кодекс стратегик режалаштириш назарияси ва амадиёти учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштиришга бевосита ва билвосита алоқадор бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқаришнинг қўйидаги тизими амал қўлмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (парламент) табиатни муҳофаза қилиш сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, қонун ҳужжатларини қабул қиласди. Шу муносабат билан Олий Мажлис табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштириш сиёсатини ҳам белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти экологик муаммолар юзасидан стратегик қарор қабул қиласди ва унда табиатдан фойдаланиши стратегик режалаштиришнинг ҳам устувор йўналишларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширади, бу соҳада давлат дастурларини ва режаларини қабул қиласди, уларнинг бажарилишини назорат қиласди, табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва баҳолашни, режалашни ташкил этади.

Атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақида қисқа мурдатли ва узоқ мурдатли истиқболларни белгилаш, шунингдек, табиатдан фойдаланишнинг статистик базасини ривожлантириш Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика давлат қўмитаси зиммасига юклан-

ган. Иқтисодиёт вазирлиги республикада индикатив стратегик режалаштиришнинг асосий органи бўлиб, вазирликнинг агросаноат мажмуаси департаменти таркибида экология ва табиатдан рационал фойдаланиш бўлими бор. Шунингдек, вазирликнинг индустрисал ривожланиш департаменти таркибида министр хомашё ресурсларидан фойдаланиш бўлими фаолият кўрсатади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат бошқаруви тизими доирасида Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, туманлар, шахарлар давлат ҳокимигити органлари табиатдан фойдаланишни режалаштириш фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бош ижро этувчи орган Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси бевосита табиатни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиши орқали стратегик режалаштириш билан шуғулланади.

Булардан ташқари табиат муҳофазаси соҳасидаги давлат назоратини Саноатда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончиллик назорати давлат агентлиги, Соглиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус вазифаларни бажариш Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, Картография ва давлат кадастрлари бош бошқармаси зиммасига юклатилган. Улар ўз ваколатлари доирасида режалаштириш билан ҳам шуғулланадилар.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бўлиб, у ўз ваколатлари доирасида табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштириш билан шуғулланади.

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни стратегик режалаштириш унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ва концепциялари ва принципларини амалга ошириш мақсадларида режалаштиришнинг мустақил йўналишига айлантирилиши мақсадга мувофиқ. Бу унинг таъсирчанлигини оширади, режалаштиришни такомиллаштириш, мажмуали ташкил этиш, уни амалга оширишнинг самарали механизмларини барпо этишга хизмат қиласи. Бу йўналишнинг ҳаётийлиги қатор Европа мамлакатларида исботланган.

### **7.3. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг ахборот ва мониторинг тизимларини барпо этиш**

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш ишларини амалга оширишининг асосини ахборот ва мониторинг тизими материаллари ташкил этади. Улар режалаштиришнинг барча босқычларида илмий ахборот ва усулук қўллаб-кувватлашга, режаларни амалга оширишни назорат қилишга хизмат қиласди. Шу сабабдан геоахборот технологияларини кенг кўллаш стратегик режалаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Геоахборот инструментаријаси ёрдамида барпо этиладиган амалий геоахборот тизими (АГАТ) энг аввало мажмуавий бўлиши керак. Бу технологиялар анъанавий усуллардан шу билан фарқ қиласди, улар катта микдор ва параметрдаги ахборотларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга имкон беради.

Амалий геоахборот тизимини (АГАТ) барпо этиш бир нечта босқыгдан иборат бўлади. Биринчи босқич инвентаризация ва ҳудудий ахборотларни баҳолаш бўлиб, унда ахборотлардан фойдаланувчилар томонидан ҳал этиладиган вазифалар гурухи таҳлили, маътумотлар базаси тузилемаси белгиланади. Иккинчи босқыгда таҳлил қилинадиган асосий компонентлар бўйича ахборотлар таҳлили берилади. Учинчи босқич баҳолаш-таҳлил бўлиб, унда биринчи ва иккинчи босқычлар материаллари асосида турли режалаштириш лойиҳалари ахборотлар билан таъминланади. Шуларга мос ҳолда электрон ҳисоблаш (компьютер) машиналарининг автоматик ва ярим автоматик воситалари ва шаклларидан фойдаланилади.

Мавжуд мониторинг тизимини янада такомиллаштириш мунтазам қузатувларнинг технологик дараҷасини такомиллаштириш (намуналар олиш, ўчловларининг аниқлиги, технологияларнинг сифати ва бошқалар) йўлидан ҳам, мониторинг тармоғини кенгайтириш, аниқ, ноаниқ ифлослантириш манбаларини (коллектор-зовур сувлари, машший оқава сувларини марказлаштирган ҳолда ташлаб юбориш ва бошқалар) тўлиқроқ қамраб олиш йўлидан ҳам бормоғи керак.

Булардан ташқари мониторинг фаолиятнинг қўйидаги томонларига йўналтирилган: 1) стратегик режаларда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишининг самарадорлигини назорат қилиш; 2) тадбирларни амалга ошириш қатнашчиларини оператив хабардор килиш; 3) режалаштирилган тадбирларнинг камчиликлари аниқланганда уларни тузатишга ёрдам бериш; 4) режалаштирилаётган вазифаларга мослаб турли табиий компонен-

тлар ва иктиномий-иқтисодий шароитларга ишбатан мониторинг яғни усулларини ишлаб чиқиши ва бошқалар.

Мониторинг дастури худудларининг конкрет вазиятлари ва уларнинг истиқболда ривожланишининг асосий йўналишларини ҳисобга олиб тузилади. Дастурнииг асосига қўйидаги тушунчаларни ҳисобга олиш зарурати қўйилиши керак:

- ишбатан ажралиб турадиган худудлар чегараларида турли табиий муҳит ва антропоген-экологик вазиятлар ҳолатини назорат қилиш имконини берадиган маъкмуя экологик мониторинг тизимини барпо этиш;

- мониторингнинг фони (кўриниши) ва мақсадини бирлаштириш; бунда фон мониторинги натижалари «табиат-инсон» тизими ҳолатининг объектив кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиши учун асос бўлади, мақсадли мониторинг эса бу кўрсаткичларни ҳисобга олиб табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалашнинг стратегик режалари конкрет тадбирларини амалга оширишнинг самарадорлигини назорат қилиш учун фойдаланилади.

Мониторинг натижаларининг иштесъмолчилари давлат органлари, назорат органлари, сурʼан фойдаланувчилар, жамоматчилик ҳисобланади.

#### 7.4. Хорижий мамлакатларнииг табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш тажрибалари ва улардан фойдаланиш

«Барқарор (кўллаб-кувватловчи) ривожланиш» тушунчаси халқаро тан олинган бўлиб, унга биноан табиат муҳофазаси иқтисодиёт билан бир қаторда ва баравар туради ва мақсадлари ҳам бир хилдири. Шу сабабдан дунёнинг кўпгина мамлакатларида барқарор ривожланиш муаммолари счимини топишда табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада Европа мамлакатлари ўзларининг синалган ва ибратли тажрибалари билан алоҳида ўринни эгалтлайдилар. Бу тажрибалар ва табиатни стратегик режалаштиришни амалга ошириши натижалари ва йўналишлари Узбекистонда шундай режалаштиришни ривожлантириш учун фойдали бўлиши мумкин. Шу сабабдан қўйида Европада атроф-муҳит ва табиат муҳофазасини режалаштириш хусусияtlари қисқача таърифланади.

Умумевропа миқёсида табиат ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммосини Европа Иттилоқи даражасида кўп сонли шартнома ва қонунлар асосида ҳал қилишга ҳаракат қилинмоқда. Бу муаммо Европа давлатлари сиёсати ва бошқарувининг асосий вазифаси қаторига қўйилган. 1997 йил Амстердам шартно-

масига асосан барқарор ривожланиши барча мамлакатларнинг атроф-мухит бўйича дастурларига мажбурий компонент сифатида киритилиши белгиланган. Европада ландшафтни режалаштириши тушунчаси экологик йўналтирилган стратегик режалаштириш маъносидаги ишлатилади. Ландшафтнинг қийматини тан олишга алоҳида эътибор берилади. Уни режалаштиришининг күйидаги тўртта инструменти тавсия этилган:

- ландшафтни муҳофазалаш инструментлари;
- ландшафтни бошқариш инструменти;
- ландшафтни режалаштириш инструменти;
- ландшафтлар сифатини ривожлантириш мақсадларини шакллантириш инструменти.

Шу билан бир қаторда ландшафтни режалаштириш тури Европа мамлакатларида бир-биридан катта фарқ қиласди. Бу фарқ қатор сабаблар билан боғлиқ: мамлакатлар ривожланиши тарихи, сиёсий тизимлари хусусиятлари, маданий анъанаалари, иқтисодий ривожланиши даражаси, хукуқий тизимлари ва мулкчилик муносабатлари, табиии шароити фарқлари ва бошқалар.

Давлат ва минтақалар ўргасидаги муносабатларда күйидаги хусусиятлар мавжуд: кўпчилик мамлакатларда ландшафтни режалаштириш маъмурӣ-сиёсий жиҳатдан давлатга бўйсундирилган (Буюк Британия, Франция, Нидерландия). Бу табиат муҳофазаси ва ландшафт нарвариши бўйича умуммиллий аҳамиятга эга бўлган катта тадбирларни ўтказиш имконини беради. Германияда эса ландшафтни режалаштириш миллий даражада эмас, балки минтақалар бўйича ҳал этилади. Кўпчилик холларда ландшафтни режалаштиришининг мустақил йўналишга ўтказиш гояси кўтлаб-куvvatланаётір. Шунингдек, ландшафтни бутун мамлакат бўйича «ёспасига» режалаштириш зарурати ҳам муҳокама қилинаётган муаммолар қаторига киради.

Ландшафтни режалаштиришининг муваффакияти ҳал қилувчи даражада иқтисодий вазият билан белгиланади. Европа амалийти ландшафтни режалаштириш ва уни амалга оширишда маҳсус ушибу мақсадларга маблағ ажратишнинг афзалигини исботлайди (Испания, Австрия, Франция, Нидерландия).

Европа мамлакатларининг ландшафтни режалаштириш тажрибаларидан Ўзбекистон учун аҳамиятга эга бўлганин режалаштириш тизимининг барча даражасида экологик мезонлар ва баҳолаш ҳар томонлама ҳисобга олиниши ва амалга оширилиши ҳисобланади. Ландшафтни режалаштириш самарадорлигини ва аҳамиятини оширишининг асосий хусусиятлариги күйидагилар белгилайди: юмшоқлик, ўзгарувчанлик ва амалётга йўналтирилганлик.

Германияда 1976 йилда қабул қилинган федерал қонунда ландшафтни режалаштириш ландшафтни химоя қилиш, ландшафтни парвариши қилиш ва уни ривожлантиришнинг режалаш инструменти эканлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган. Ҳозирги вақтда Германияда ландшафтни режалаштириш табиат муҳофазасининг муҳим ва тан олинган инструменти ҳисобланади.

Буюк Британияда мустақил ва бажариш ҳамма учун мажбурий бўлган ландшафт режалари ёки дастурлари мавжуд эмас. Ландшафтни режалаштириш вазифалари турли тармоқлар бўйича тақсимланган. Шундай қилиб, Буюк Британияда «қонуний» ландшафт режалаштирилиши расмий жиҳатдан ўз ўрнини топмаган. Амалиётда эса ландшафтни режалаштириш мавжуд ва амалга оширилади ва кўп ҳолларда яхши натижалар берастир.

Нидерландияда ландшафтни режалаштириш куйидаги учта режалаштирувчи инструментлар ва уларга мос қонунлар ўртасида тақсимланган: худудий режалаштириш, экологик йўналтирилган режалаштириш ва сув ресурсларини тақсимлаш. Бу нуқтаи назарларни қамраб оладиган ва экологик талаблар умумлаштирилган хужжатлар йўқ. Ландшафтни режалаштиришнинг кўпгина вазифаларини худудий режалаштириши ўз зиммасига олган. Шу сабабдан расман миллий ва минтақавий даражада ландшафтни режалаштириш мавжуд эмас. Лекин сўнгти йилларда Нидерландияда экологик йўналтирилган стратегик режалаштириш ҳам ривожланмоқда.

Францияда умумий давлат режалари ва вилоят корпорациялари режалари ландшафт режалари бўлиб хизмат қилади ва улар ландшафтнинг ривожланишини бошқариш билан шугулланади. Шу муносабат билан Францияда ландшафт эстетик категория, пейзаж сифатида тушунилишини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ландшафтни режалаштирища пейзажни яхшилаш ва ландшафт қиёфасини шакллантириши биринчи ўринга чиқади. Экологик йўналтирилган режалаштирища ихтиёрийлик принципи устун туради.

Испанияда «ландшафтни режалаштириш» тушунчаси расман мавжуд эмас. Ландшафтни режалаштиришнинг асосий инструментлари худудларни ташкил этишининг субмінтақавий ва минтақавий режалари ҳисобланади. Ресурслардан фойдаланиш режаларининг бажарилиши мажбурийdir.

Россияда Германия тажрибаларидан фойдаланиш асосида ландшафтни режалаштиришини амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

## Қисқача холосалар

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг устувор йўналишлари кўп босқичли бўлиб, улар кўйидаги тузилмага эга: 1) Орол бўхронининг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ режалаштириш; 2) тармоқлар бўйича режалаштириш; 3) худудлар бўйича режалаштириш; 4) функционал худудий зоналаштиришга асосланган режалаштириши.

Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш ўзбекистон Республикаси бошқарув тизимининг ажralmas таркибий қисмидир. Ўнинг ташкилий ва хуқуқий асослари яратилган бўлиб, улар қабул қўллингандан соң қоидалар ва нормативларга асосланади.

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришга бевосита ва билвосита алоқадор бўлган атроф-муҳитни бошқаришнинг кўйидаги тизими амал қиласди: Олий Мажлис; Республика Президенти; Вазирлар Маҳкамаси; Иқтисадиёт вазирлиги; Статистика давлат кўмитаси; Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳрлар давлат ҳокимияти органлари; Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва бошқалар.

Стратегик режалаштириш ишларини амалга оширишнинг асосини ахборот ва мониторинг тизими материаллари ташкил этади. Амалий геоахборот тизимини (АГАТ) барпо этиш шу соҳадаги муҳим вазифалар қаторига киради.

Хорижий мамлакатларининг табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш тажрибаларидан ўзбекистонда фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ёвропа мамлакатлари ўзларининг синалган ва ибратли тажриблари билан алоҳида ўринни эгаллади. Улар ландшафтнинг қийматини тан олишга алоҳида эътибор берадилар.

Ёвропада стратегик режалаштиришнинг қўйидаги тўртта инструменти тавсия этилган: 1) ландшафтни муҳофазалаш; 2) ландшафтни бошқариш; 3) ландшафтни режалаштириш; 4) ландшафтлар сифатини ривожлантириш мақсадларини шакллантириш инструменти.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг тўртта асосий йўналишларини таърифланг?
2. Орол дентизи куриши билан боғлиқ бўхронни бартараф этиш бўйича қандай стратегик режалаштириш мақсадга мувофиқ?
3. Тармоқлар ва худудлар бўйича табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалашни режалаштиришнинг фарқларини тушинтиринг.
4. Функционал худудий зоналаштириш нима? У қандай мақсадтарда амалга оширилади?
5. Мамлакатда табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг бошқарув тизимидаги ўрнини таърифланг. Уни такомиллаштиришнинг қандай йўналишлари бор?
6. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг ахборот ва мониторинг тизимини барпо этишини қандай амалга ошириш мумкин?
7. Хорижий мамлакатларнинг табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш тажрибалари қандай аҳамиятга эга?
8. Европа Иттифоқи мамлакатларининг ландшафтни режалаштиришдаги ўхшашлиги ва фарқларини тушунтиринг.
9. Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Франция, Испания, Россияда ландшафтни режалаштириш қандай хусусиятларга эга?

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хуҗжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
3. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат резаси. – Т., 1998.
4. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
5. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. – Т., 2002.
6. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интерпракс, 1995.
7. Стратегическое планирование. Под ред. Э.А. Уткина. Учебник. -М. 1998.
8. Рыночные усулы управления окружающей средой. Учебное пособие. -М. 2002.
9. Бобылов С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования -М.: ТЕИС, 1997.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфизиликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари: «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992й.), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисида» (1993й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (2002й.), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (2003й.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996й.), «Ўсимлик олами ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1996й.), «Ҳайвонат оламини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» (1997й.), «Ер кодекси»(1998й.), «Шаҳарсозлик кодекси» (2002й.).
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси -Т., 1998.
4. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Национальный доклад -Т., 1998.
5. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. -Т., 2002.
6. Атроф табиии муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
7. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. -Т.: 2002.
8. Абириков К.Н., Жумаев Т.Ж., Ражабов Н. Табиатдан фойдаланишни стратегик режалаштириш. Намунаий дастур. Намунаий дастурлар тўплами. ТДИУ. -Т., 2001.
9. Абириков К.Н., Жумаев Т.Ж., Ражабов Н. Худуд табиатини истиқболлаш. Маърузалар. ТДИУ. -Т., 2000.
10. Бобылов С.Н, Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. -М.: ТЕИС, 1997.
11. Стратегическое планирование. Под ред. Э.А.Уткина Учебник -М., 1998.
12. Никаноров А.М., Хоружая Т.А. Экология -М., 1999.
13. Мониторинг природы в бассейне Аральского моря.- Л., Гидрометеоиздат. 1991.
14. Рафиқов А.А. Геэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
15. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. – М.: Мысль 1990.
16. Реймерс Н.Ф. Экология (теория, законы, правила, принципы и гипотезы) -М.: Россия Молодая, 1994

17. Программа действий - Повестка для на XXI век и другие документы, Конференции в Рио-де-Жанейро. Женева. Центр за наши общее будущее. 1993.
18. Рыночные усилы управления окружающей средой. Учебное пособие. -М., 2002.
19. Чепурных Н.В., Новоселов А.Л. Планирование и прогнозирование природопользования. Учебное пособие. -М.: Интерпракс, 1995.

## М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	5
I боб. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириш» фанининг предмети, усуллари ва вазифалари.....	7
1.1. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириш» фанининг мазмунни, предмети, объекти.....	7
1.2. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириш» фанининг назарий асослари, тадқиқот усуллари, бошқа фанлар билан алоқалари.....	10
1.3. «Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириш» фанининг асосий вазифалари.....	13
Қычқача хулюсалар.....	15
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	16
Асосий адабиётлар.....	16
II боб. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириши усулологияси.....	17
2.1. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириши омиллари...	17
2.2. Стратегик режалантиришида табиий ресурслар ҳолатиниң ҳисобга олини.....	19
2.3. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантиришининг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари.....	21
2.4. Стратегик режалантиришида табиий ресурсларни таҳдил қилини йўналитилари.....	22
2.5. Табиатдан фойдаланишининг стратегик режалалари класификацияси.....	23
2.6. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантиришининг асосий принциплари.....	25
Қычқача хулюсалар.....	27
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	28
Асосий адабиётлар.....	28
III боб. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантиришининг хусусиятлари, мазмунни, тузилмаси, асосий йўналитилари.....	29
3.1. Стратегик режалантиришининг хусусиятлари, мазмунни ва тартиби.....	29
3.2. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалантириши технологияси ва унинг кўрсаткичлари.....	32

3.3. Табиатдан фойдаланишини стратегик режалаштиришда оптимал- лантириши мұаммолары.....	34
3.4. Табиатдан фойдаланишини түрлі мұддатларда стратегик режа- лантиришиң әсеси тақырыбы ..... 36 Қынчача хуосалар..... 40 Назорат на мұхоказама үчүн саволлар..... 41 Асосий адабиётлар..... 41	
<b>IV боб. Табиий ресурслардан фойдаланиши, үларни тақрор ишлаб чи- кариши бүйінча тәжірибелерни стратегик режалаштириши.....</b>	<b>42</b>
4.1. Табиий ресурслардан фойдаланиши, үларни тақрор ишлаб чиқа- риши бүйінча тәжірибелерни стратегик режалаштиришига қўйиладиган тағабиғат..... 42	
4.2. Стратегик режалашниң асосий тәжірибелерни ..... 43 Хомамеңдан фойдаланишина табиаттың мұхофазасы тәжірибелерни стратегик режалаштириши..... 45 Қынчача хуосалар..... 49 Назорат на мұхоказама үчүн саволлар..... 50 Асосий адабиётлар..... 50	
<b>V боб. Табиаттың компоненттерини стратегик режалаштириши.....</b>	<b>51</b>
5.1. Табиаттың компоненттери стратегик режалаштириши объекті..... 51	
5.2. Табиаттың компоненттерини стратегик режалаштиришда тавсия қисипадиган тәжірибелер..... 52	
5.3. Табиаттың компоненттериден фойдаланиши, үларни мұхофазалашни стратегик режалаштириши..... 54 Қынчача хуосалар..... 61 Назорат на мұхоказама үчүн саволлар..... 62 Асосий адабиётлар..... 62	
<b>VI боб Ландшафтты стратегик режалаштириши.....</b>	<b>63</b>
6.1. Ландшафттың түрлерінде түпнұнча да үнинг асосий хусусияттары... 63	
6.2. Ландшафтты стратегик режалаштиришини тақырыптың хусуси- яттары да үнинг асосий концепциялары..... 66	
6.3. Ландшафтты стратегик режалаштиришиң босқычлары да үларның мазмұны..... 67	
6.4. Ландшафтты стратегик режалаштиришиң да ландшафт дастанула- риниң үзаро бағыттары..... 70	
6.5. Ландшафтты стратегик режалаштиришиның амалға оши- рілген көмекшіліктері..... 91	

риш.....	71
Қичқача хulosалар.....	73
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	74
Асосий адабиётлар.....	74
 VII боб. Ўзбекистонда табиятдан фойдаланишни стратегик режалаштиришни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш муаммолари.....	75
 7.1. Табиятдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг устувор йўналишлари.....	75
7.2. Табиятдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг бошқарув тизимидағи ўрни ва уни такомиллаштириш.....	78
7.3. Табиятдан фойдаланишни стратегик режалаштиришнинг ахборот ва мониторинг тизимларини барпо этиши.....	81
7.4. Хорижий мамлакатларнинг табиятдан фойдаланишини стратегик режалаштириш тажрибалари ва улардан фойдаланиш.....	82
Қичқача хulosалар.....	85
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	86
Асосий адабиётлар.....	87
 АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	88

## CONTENTS

Introduction.....	5
<b>PART-I. Essence, methods and tasks of the course ‘Strategic planning of nature utilization’</b>	<b>7</b>
1.1.Concept, theme and objects of the course ‘Strategic planning of nature utilization’.....	7
1.2. Theoretical basis, study methods of the course ‘Strategic planning of nature utilization’.....	10
1.3. The main tasks of the course ‘Strategic planning of nature utilization’.....	13
Brief conclusions.....	15
Questions for discussion and control.....	16
Main literature.....	16
<b>Part-II. Methodology of the course     Strategic planning of nature utilization’.....</b>	<b>17</b>
2.1.Factors of the course     ‘Strategic planning of nature utilization’.....	17
2.2. Study of the conditions of natural resources in strategic planning.....	19
2.3. Main criteria and indicators of strategic planning of nature utilization.....	21
2.4.Analyzing directions in strategic planning of nature utilization.....	22
2.5.Classification of strategic planning of nature utilization.....	23
2.6.Basic principles of strategic planning of nature utilization.....	25
Brief conclusions.....	27
Questions for discussion and control.....	28
Main literature.....	28
<b>Part-III. Characteristics, essence, structure and basic directions of strategic planning of nature utilization .....</b>	<b>29</b>
3.1.Characteristics, essence and order of strategic planning .....	29
3.2. Technology and indicators of strategic planning of nature utilization ...	32
3.3. Optimization problems in strategic planning of nature utilization.....	34
3.4.Characteristics and effects of forecasting and strategic planning of nature utilization for different periods.....	36

Brief conclusions.....	40
Questions for discussion and control.....	41
Main literature.....	41
Part-IV. Utilization of natural resources strategic planning of their reproduction.....	42
4.1.Demands for utilization of natural resources, strategic planning of their reproduction.....	42
4.2.Main aspects of strategic planning and carrying out them.....	43
4.3. Strategic planning of utilization of raw materials and measures for nature protection .....	45
Brief conclusions.....	49
Questions for discussion and control.....	50
Main literature.....	50
Part-V. Strategic planning of nature components .....	51
5.1.Measures recommended during strategic planning of nature components.....	51
5.2.Strategic planning of utilization of nature components and their protection .....	52
5.3. Utilization of nature components, strategic planning of their protection.....	54
Brief conclusions.....	61
Questions for discussion and control.....	62
Main literature.....	62
Part-VI. Strategic planning of landscape.....	63
6.1. Concept of landscape and its main characteristics .....	63
6.2. Characteristics of strategic planning of landscape organization and its main concepts .....	66
6.3.Stages of strategic planning of landscape and their essence.....	67
6.4.Strategic planning of landscape and mutual inter-relations of landscape programs.....	70
6.5.Realization the measures of strategic planning of landscape.....	71
Brief conclusions.....	73
Questions for discussion and control.....	74
Main literature.....	74

Part-VII. Organizing and developing problems of nature utilization in Uzbekistan.....	75
7.1.Leading directions of strategic planning of nature utilization.....	75
7.2.Role of strategic planning of nature utilization in management system and its improvement.....	78
7.3.Establishing the information and monitoring system of strategic planning of nature utilization.....	81
7.4.Strategic planning of nature utilization practices of foreign countries and their application.....	82
Brief conclusions.....	85
Questions for discussion and control.....	86
Main literature.....	87
List of Bibliography.....	88

**ЖУМАЕВ ТУРОБ ЖУМАЕВИЧ**

**ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ  
СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ**

**(Ўқув қўлланма)**

Напр учун маъсул:  
Ўзбекистон Ёзувчилар уошмаси  
Адабиёт жамғармаси директори  
Кўргонмурад Жумасев  
Мусаввири:  
Акбарали Мамасолиев.  
Мухаррир – З.Иўлдошев  
Техник мухаррир – Ш.Тожиев  
Мусаҳхис – Ж.Иўлдошев  
Компьютерда саҳифаловчи – Д.Давлатқулов

Интернетдаги расмий сайтинига: [www.lsue.uz](http://www.lsue.uz)  
Электрон почта манзили: [info@lsue.uz](mailto:info@lsue.uz)

Теришига берилди 04.11.2003 й. Босинига руҳеат этилди 20.01.2004 й.  
Қоғоз формати 60x84 ¼<sub>32</sub>. Офсет босма усулида босилди. Напр босма  
тобоги 6. Нусхаси 500.

Буюртма № 26

Ўзбекистон Ёзувчилар уошмаси Адабиёт Жамғармаси наприёти. 700000  
Тошкент, ЙК-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп қилинди.  
Тошкент шаҳри, Ҳадича Сулаймонова, 33-үй



**ЖУМАЕВ Тураб Жумаевич —**  
«Минтақа иқтисодиёти ва экологияси»  
кафедрасы доценти, иқтисод фанлари  
номзоди. У 1 та монография, 2 та  
рисола, 4 та ўқув қўлланма, 100 тадан  
ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси —  
тоғ ҳудудларини иқтисодий  
ривожлантириш, атроф-муҳит  
муҳофазаси муаммолари.

